Никотин кислотасининг давомли етишмаслигида пеллагра (купол тери) ривожланади, пеллагра хакикий (бирламчи) ва эндоген (иккиламчи) шакллarga ажралади. Хакикий пеллагранинг киш охирида ва эрта бахорда юзага келиши узига хос булиб, дерматит (терининг яллиг-ланиши), ич кетиш, таъсирланувчанлик, рухий тушкунлик хусусиятлари билан ажралиб туради. Пеллагранинг даст-лабки белгилари — ич кетиши, огиз шиллик каватининг зарарланиши (огиз, лаб, тилнинг кескин кизариши), терида пигментация пайдо булишидир. Хакикий пеллаграга уч «Д» синдромининг булиши хосдир: диарея (ич кетиши), дерматит (тери яллигланиши), депрессияларда ҳамда бола организмни дистрофияга олиб борадиган бошка касал-ликларда руй беради, бунда никотин кислотасининг ичак-ларда сурилиши пасаяди ва никотин кислотасининг иккиламчи эндоген етишмовчилиги юзага чикади.

У б'йин терисида («галстук»), кул панжасида, товонда («пайпок», «кулпок») корамтир пигментация пайдо булиши; рухий тушкунлик, огиз шиллик каватининг узгариши тарзида намoён булади. Бундай куринишлар пеллагроид ёки пеллагрик холат деб аталади.

Ту>ри танланган ва оксилга бой пархез таомлар (сузма, гушт) ва никотин кислотасини истеъмом килиш, шунингдек, венага кон куйиш ҳамда ачитки тайинлаш тезлик билан соғайишга ёрдам беради. Одатда никотин кислотаси етишмаслиги билан бир каторда купинча В1 ва В6 витаминлари етишмаслиги ҳам кузатилади. Никотин кислотасига булган эхтиёж унинг сингиш кувва-ти, ёш ва овкат хилига боглик. В мажмуасининг бошка таркибий кисмларидан болалик даврининг физиология-си ва патологиясида пантотенат кислотасининг ахамияти каттадир.

Баъзи маълумотларга Караганда у барча усимлик ва хайвон хужайраларида мавжуд, хусусан у ачиткиларда, тухум ва жигарда к'п булади. Углеводлар алмашинуви-да ҳамда ^сaдиган организм учун нерв ва эндокрин сис-темаларининг фаолиятини тартибга солишда катта ахамиятга эга.

Кейинги вақтларда биотин (Н витамин — себореяга карши) етишмаслигининг аломатлари текшириб урга-нилмокда, унинг етарли б'лмаслиги маълум даражада курук ва себореяли экземага, яъни нерв трофик бузили-шига сабаб булади, деб тахмин килинмокда.

Хозирги вақтда В витаминлари каторига холин ҳам киритилган, у фосфолипидлар (тухум сариги, мия) таркибига киради, холин липотроп таъсирга (жигардаги ортикча ёғни йукотиш таъсирига) эга ва унинг етишмаслиги жигарни ёғ босиб кетишига сабаб булади (жигар стеатози).

В12 витамини жигардан ажратиб олинади, у камкон-ликни (анемия), хусусан, хавфли камконликни даволаш-да кулланади. В12 витамини меъда пилорик кismi чикарадиган Кестл омили билан кУшилиб, кон яра-тилишини раббатлантирувчи бирикма хосил кил ад и. В12 витамини хайвонлар ошкозонидаги бактериялар билан (томонидан) синтезланади.

Фоли кислотаси жигардан олинган модда б'либ, ачиткилар, жигар ва купчилик усимлик япрокларининг таркибида учрайди. Бу кислота хавфли камконлик ва лейкокемияда ишлатилиб, ичак микроблари томонидан синтез килинган.

В гурух витаминлари етишмаслигининг клиник кури-ниши овкат оксилларининг микдор ва сифат жихатидан тулик эмаслигига боглик. Бу асосан ил к болалик дав-рига купрок тааллуқли, чунки бу ёшда оксилга эхтиёж каттадир.

С витамини (аскорбин кислота, скорбутга карши витамин) кора смородина, кизил каламбир ва откулокда, умуман, сабзавотларда, меваларда, игна баргли дарахт япрокларида, сут, тухумда ва бошка шу каби махсу-лотларда куп микдорда учрайди.

С витамини бутун органлар ва туХималар таркибида булади, хусусан фаол ишлаб турувчи органлар, чунончи буйрак усти беzi, йулдош, мия ости ортиги (гипофиз) бу витаминларга анча бой. Сутда унинг микдори йилнинг фасли ва сигирнинг емишига караб узгариб туради. Озик-овкат махсулотларининг С витамини нур таъсири остида ва юкори даражали хароратда бузилади.

С витамини организмда оксидланиш-кайтарилиш по-тенциалини маълум даражада саклаб туришда иштирок этади, антителоларнинг синтезини, нерв системасининг фаолиятини раббалантиради, гемопоэз ва лейкопозни, кон ивишини кучайтиради, организмнинг каршилиқ курсатиш қобилиятини оширади.

С витамини бир катор моддалар, чунончи, углевод, оксил, сув ва ёғ алмашинуви жараёнларида иштирок этади. Бу витамин организмни десенсибилизациялаш (организм аллергия холатининг камайтилиши ёки йу-колиши) таъсирига эга. Боланинг С витаминига кунда-лик эхтиёжи катталарга нисбатан (1 кг огирликда) ба-ландрокдир. Болани куракдан овкатлантиришда С ви-таминининг микдорини сутда кутариш лозим, бунинг учун она С витаминига бой булган таомлар ейиши керак. 3—4 ойлардан бошлаб болага сабзавот ва мева шира-ларини бериш лозим. 7 ёшгача булган болаларда С витаминига булган кундалиқ эхтиёжи уртача 35—50 мг.

Кон таркибида аскорбин кислотанинг микдори 0,5— 1,5 мг фоиз, она сутда эса мавсум ва она режимига караб 3—7 мг фоизгача. Овкатда С витаминининг етиш-маслиги С гиповитаминоз ва авитаминозига сабаб булади. С авитаминози (цинга, скорбут) одатда кам учрайди, бола терисида (буйин, ковок, тирсак букилмаси ва бошка жойларда) кон куйилиши натижасида, унда нукталарга ухшаш кизил догчалар пайдо булиб, милклардан кон оқади.

Илк болалик даврида скорбутининг клиник белги-лари суякларнинг узига хос зарарланиши билан ифода-ланади. Бунда купинча сон суягининг эпифизларида ав-вало огрик, кейин шиш пайдо булади, су игра суяк усти пардаси остига кон куйилиши натижасида бутунлай ши-шиб, каттик огрик юзага келади. Бундай кон куйилиш холлари ковурганнинг суяк билан тогай кис ми туташади-ган жойда ҳам пайдо булиши мумкин, бунда рахит думбокчаларини эслатадиган думбокчалар хосил булади. Терига кон куйилиши туфайли унда катта ва кичик догчалар юзага келади. Скорбутнинг бундай огир тури факатгина сут консерваси билан бокилган болаларда ку-затилади.

Хозир биз болаларда С витамини етишмаслигининг бундай огир холларини учратмасак ҳам, скорбутнинг ги-повитаминоз деб аталадиган енгил турлари хануз учраб туради.

Болаларда гиповитаминознинг энг дастлабки белги-лари тез чарчаш, иштаханинг пасайиши ва уйкучанлик-дир, кейин милклардан кон ока бошлайди.

С гиповитаминози (экзоген) овкатда аскорбин кислотанинг етишмаслиги ва (эндоген) унинг меъда-ичак йулларида бузилиш ва сурилишининг пасайиши билан намо-ён бўлади.

С витаминининг етишмаслиги организм каршилик кўрсатиш кобилиятининг пасайишига олиб боради ва гипохром анемияни пайдо қилади.

Р витамини (цитрин)—табиий бирикмалардан фла-воноид пигментлари туркумига кирувчи, капилляр утказувчанлигини камайтириш хусусиятига эга булган моддалар, усимлик флавоноид пигментлари лимонда, наъматакда, смородинада, чойнинг яшил япрогида, пиш-маган ёнгок ва бошқаларда гликозид шаклида учрайди. Р витамини геморрагик диатезда, тур пардага кон куйилганда ва бошқа холларда кулланади. Даволаш амалиётида Р витамини гесперидин (цитрин) ва рутин но-ми билан аталади.

Одатда, болалардаги гиповитаминоз ҳолати бир катор витаминларнинг етишмаслиги (полигиповитаминоз) бола терисида (буйин, ковок, тирсак букилмаси ва бошқа жойларда) кон куйилиши натижасида, унда нукталарга ухшаш кизил догчалар пайдо бўлиб, милклардан кон оқади.

Илк болалик даврида скорбутнинг клиник белги-лари суякларнинг узига хос зарарланиши билан ифодаланади. Бунда купинча сон суягининг эпифизларида ав-вало огрик, кейин шиш пайдо бўлади, су игра суяк усти пардаси остига кон куйилиши натижасида бутунлай ши-шиб, каттик огрик юзага келади. Бундай кон куйилиш холлари коурганинг суяк билан тоғай кис ми туташади-ган жойда ҳам пайдо бўлиши мумкин, бунда рахит думбокчаларини эслатадиган думбокчалар ҳосил бўлади. Терига кон куйилиши туфайли унда катта ва кичик догчалар юзага келади. Скорбутнинг бундай огир тури факатгина сут консерваси билан бокилган болаларда кузатилади. Ҳозир биз болаларда С витамини етишмаслигининг бундай огир холларини учратмасак ҳам, скорбутнинг гиповитаминоз деб аталадиган енгил турлари хануз учраб туради. Болаларда гиповитаминознинг энг дастлабки белги-лари тез чарчаш, иштаханинг пасайиши ва уйкучанлик-дир, кейин милклардан кон ока бошлайди.

С гиповитаминози (экзоген) овкатда аскорбин кислотанинг етишмаслиги ва (эндоген) унинг меъда-ичак йулларида бузилиш ва сурилишининг пасайиши билан намо-ён бўлади.

С витаминининг етишмаслиги организм каршилик кўрсатиш кобилиятининг пасайишига олиб боради ва гипохром анемияни пайдо қилади.

Р витамини (цитрин)—табиий бирикмалардан фла-воноид пигментлари туркумига кирувчи, капилляр утказувчанлигини камайтириш хусусиятига эга булган моддалар, усимлик флавоноид пигментлари лимонда, наъматакда, смородинада, чойнинг яшил япрогида, пиш-маган ёнгок ва бошқаларда гликозид шаклида учрайди. Р витамини геморрагик диатезда, тур пардага кон куйилганда ва бошқа холларда кулланади. Даволаш амалиётида Р витамини гесперидин (цитрин) ва рутин но-ми билан аталади.

Одатда, болалардаги гиповитаминоз ҳолати бир катор витаминларнинг етишмаслиги (полигиповитаминоз) билан ифодаланади, лекин хусусан, илк болалик даврида бир йула С ва В витаминларининг етишмаслиги тез-тез учраб туради. Бу холнинг тез-тез учраб туришига сабаб, шу витаминлар етишмаслигининг дастлабки узига хос белгиларидан нерв системаси томонидан булган таъ-сирланиш, чунончи, С гиповитаминозида рухий эзилиш ҳолати, бушанглик ва кейинрок мушаклар гипертонияси, томир тортишидир. Рахитнинг (Е) гиповитаминозининг бошлангич даврида бола тез-тез терлайди, уйкуси бузи-лади, инжик ва асабий бўлиб қолади. Бу аломатлар ҳам марказий ва вегетатив нерв системасининг таъсирланиши билан боглик. Боланинг овкат рационидида узок муддат витаминлар етишмаслигидан нерв системасидан ташка-ри, етарли даражада ички секреция безларининг функ-цияси ҳам зарарланади.

Шундай қилиб, озик-овкат ва витаминларни боланинг эҳтиёжига караб истеъмолга киритиш лозим (31, 32-жадваллар). Бундан ташқари, зарур холларда му-айян микдорда соф витаминлар ҳам (витамин С, В, В₆, никотин кислотаси ва бошқалар) истеъмол қилиш лозим.

Эмизикли боланинг овкатида (шу жумладан она ва сизир сутиди) витамин микдорининг кам бўлишини ҳисобга олиб, рахитнинг олдини олиш учун бола ҳаётининг 3—4 ойидан бошлаб, бу витаминни балик ёки витамини ҳолида бериш лозим.

Мавзу: №15. Болаларда модда алмашинуви. Болаларда энергия алмашинув хусусиятлари, энергия, оксил ва калорияга булган эҳтиёж. Оксил, углевод ва ёғ алмашинуви хусусиятлари, асосий касалликлар семиотикаси. Болаларда аминокислоталарга булган талаб. Турли ёшдаги болаларда оксил ва уни фракцияларини қондаги микдори. Болаларда ёғ ва ёғ фракциясининг микдори. Қондаги канд микдори. Оксил углевод ва ёғ алмашинувининг асосий бузилиш семиотикаси: аминокислотопатия, гиперлипотрофия, галактоземия. Сифат ва микдор жихатдан оксил етишмовчилиги синдроми ва унинг усаётган организмга аҳамияти

Болаларда энергия тақсимланишининг аҳамияти, уларнинг калорияга талаби. Моддалар алмашинувининг шикастланиш синдромлари ва касалликлари, улар диагностикаси. Туз-сув алмашинуви ва уларни шикастланиш семиотикаси. (дегидратация синдроми, «сув- интоксикацияси, гиперосмолярлик»). Моддалар алмашинуви процесси ассимиляция процессидан-ташки мухитдан организмга тушган моддаларни хазм бўлиши, тирик материянинг яратилиши учун оддий моддалардан мураккаб химик бирикмалар ҳосил бўлиш процесси ва диссимиляция моддаларнинг парчаланиш, тирик организм таркибига кирувчи процесдан иборат.

Органик бирикмаларнинг синтез процесси- аноболик, парчаланиш- катаболик процесс деб айтилади. Ҳаёт жараёни факат доимий равишда парчаланиш ва синтез процессларни боглик бўлиши туфайли, организмларни янгиланиб ва ривожланиб боради. Бу ҳолат педиатрияда боланинг усиши ва ривожланиши, янгиланиши билан чегараланиб қолмайди, қайсики структураларнинг ҳосил бўлишига олиб келади. Кукрак ёшидаги болаларда тана

массасини тулланиши билан мактаб ёшгача булган болаларда биринчи навбатда тукумалар дифференцировкаси процесси, мактаб ёшида яна вазн туллаш ва катта мактаб ёшида органлар дифференцировкаси руй беради.

Болаларда модда алмашинуви бузилишини 3-та катта гуруҳга булиш мумкин. Биринчи (группа) гуруҳ-моддалар алмашинуви касалликларидан наслий ва ирсий касалликларидир. Уларнинг сабаблари асосан ферментларнинг етишмовчилигидан ёки моддаларнинг хосил булишида иштирок этадиган ферментларнинг етишмаслигидан келиб чиқади. Иккинчи гуруҳ – транзитор модда алмашинуви бузилиши, бу ҳолат болаларни узишида иштирок этадиган маълум ферментларнинг хосил булишининг кечикишидан юзага келади. Учинчи гуруҳ – моддалар алмашинуви бузилиши синдромлари, улар ҳар хил касалликларда юзага келади ва касалликлардан кейин вақтда ҳам давом этади.

Энергия алмашинуви

Моддалар алмашинуви натижасида хосил буладиган энергия процессини 3-та фазага булиш мумкин.

Биринчи фазада ошқозон-ичак йулида катта молекулали озик моддалар майда молекуларга парчаланади. Бу фазанинг ахамияти шундан иборатки бунда озик моддалар ҳақиқий энергия ажралиб чиқишни тайёрлайди.

Иккинчи фазада бу озик моддалар ярим ёниш йули билан парчаланиши давом этади. 25-30 моддалардан CO₂ ва H₂O дан ташқари факат 3-та охири махсулот: L -кетоглютор кислотаси, ацетилапоэнизм-А сифатида, шавелоуксус кислотаси ва уксус кислотаси хосил булади. Иккинчи фазада озик моддалари таркибида булган 30% гача энергия ажралиб чиқади.

Учинчи фазада – Кребенинг учқарбон кислотали фазаси деб айтилади. Бу фазада 2 фазанинг охириги махсулотлари то CO₂ ва узишга (пластик алмашинув), мушаклар ишини, овқатни хазм булишини таъминлайди.

Асосий алмашинув.

Болаларда асосий алмашинув 1½ ёшгача кучайиб, кейин аста-секинлик билан пасаяди.

Болаларда асосий алмашинув.

Чакалокларда – 50 ккал/кг/суткада.

6-ойликда -56

12- ойда – 54

5-ёшда – 45

Болалар йиглаганда, безовталанганда 20-60% ортади. Тана ҳарорати кутарилганда ҳам асосий алмашинув ортади (1°C-14-16%). Асосий алмашинувнинг компоненти, энергияни организм янгиланишига сарфланишидир. Янгиланишнинг интенсивлиги ёш болаларда юкори булади, ёш катталашган сари бу курсаткичлар орасида фарклар пайдо булиб улар жинсга таъаллуқлидир.

Атроф-мухит (28-32°C) булганда доимий тана ҳароратини саклаб туриш учун бола организми 200,8-418,4 кДж/кг/сут. энергия сарф килади. Шунинг учун ёш билан бирга энергиянинг мутлак сарфи тана температурасининг доимийлигини саклаш учун орта боради, 90% иссиқликни бола териси орқали йукотади. Бу билан ҳар хил ёшдаги болаларнинг кийинишига талаб тушунтирилади. Лекин бола канча кичик ёшда булса энергиянинг таксимланиши шунча паст булади. Кейинчалик энергиянинг таксимланиши яна пасаяди, чунки тана юзаси 1 кг/тана/ вазнига солиштирса яна камади.

Энг кийин энергиянинг таксимланиши ёки сарфланиши асосий овқат хазм қилиш тракти даврида ишлаб чиқариладиган овқат ширалари, ахлатлар орқали, эпидемиял хужайралар, соч, тирноқлар ва балогатга етиш даврида кизларни минструация вақтида йукотилади.

Овқатнинг динамик таъсири хусусияти, 06- катланиш характериға боглик равишда узгаради. Оксилға бой овқат, ёгли ва углеводли овқатдан кучлиди

Оксил алмашинуви

Оксил ҳаёт учун энг керакли озик моддадир. Шунинг учун организмни нормал узиши учун етарли микдорда оксил керак, уни ёг, углевод урнини босолмайди. Оксиллар ҳар хил овқат хазм қилиш ширалари, тукумалар ва бошқа ферментларнинг таркибий қисмидир. Оксиллар энергия манбаи ҳамдир. 1г оксил парчаланишида 16,7кДж (4ккал иссиқлик ажралади.)

Оксил алмашинувини урганиш учун азот баланси критерияси кулланилади. Бу мақсад учун организмға овқат орқали кирган азот микдори ва ахлат, сийдик орқали чиқариладиган азот микдори аникланади.

Организмға тушган ва чиқиб кетган азотнинг фарқини организмнинг янгиланиши ва янги тукумаларнинг хосил булиш даражасига караб мулоҳаза юритилади. Бола организмнинг узиши учун оксил керақдир. Бир ёшли бола ҳаётда, бир суткада 0,9г/кг оксил сарфлайди, 1-3 ёшда- 0,8г/кг, мактабгача ёшдаги ва мактаб ёшидаги болалар 0,7г/кг суткада оксил сарфлайди.

Аникланганки, организмда азотнинг узлаштирилиши оксилнинг микдори ва сифатиға ёки оксил аминокислоталари таркибига боглиқдир. Болаларнинг оксил ёки аминокислоталарға булган талаби, катта ёшдаги кишиларға караганда юкоридир.

Агар диққат эътиборни бунга каратсак, катта ёшдаги кишилар учун энг керакли аминокислоталар (лейцин, изолейцин, лизин, метионин, фенилаланин, треонин, триптофан ва Валин) булса, 5-ёшгача булган болалар учун алмашмайдиған аминокислоталарға шулар билан бирга гистидин, 3- ойликгача ва ундан кичик ёшларда цистиндир.

Шуни эсда тутиш керакки, улардан ташқари оксил химоя факторларини синтези учун ҳам зарурдир, агар камчилик руй берса, унда инфекцияларни ривожланиши кучаяди ва оксилға булган талаб ошади. Агар боланинг биринчи 3-ёшлик ҳаётида овқат рационда оксил етишмаса, асосан узок вақт давомида, унда болада кайтарилмайдиған узгаришлар ёки умр буйи сакланиб қоладиган узгаришларни кузатилади.

Болаларда оксил камчилиги уларнинг юриш туришида узгаришлари билан номоён булади. Аввал бола инжик, таъсирчан, холсизланган, уйкусираш булади. Тери ости ёг қавати камади, ундан кейин тана вазни камади, охирида тухтайди. Сочлар депигментацияланади, улар сийрак, ингичка синувчан булади. Дерматоз ва гепатоспленомегалия юзага келади. Катта ёшдаги болаларда узок вақтли оксил камчилиги мушаклар атрофиясига, кулок олди безларининг катталашуви, гинекоматия, кон зардобида альбуминлар ва оксилнинг камайиб кетиши билан характерланади.

Хаёт учун зарур булган аминокислоталар дефицитида оксилнинг сифатий етишмовчилиги натижасида Квашиоркор касаллиги келиб чиқади. Бунга 1933 йилда Вильям аниклаган. Унинг доимий симптомлари боланинг характерининг узгариши билан биргаликда куйидагилардан иборат: гипопротсинемик шишлар, жизмоний ривожланишдан орқага қолиш, мускуллар атрофияси, дерматоз, каватли пигментация, иммунитетнинг пасайиши туфайли тезда туберкулез, сепсиз, менингит касалликларига чалинади. Оксил етишмовчилигига ҳар доим гиповитаминоз билан бирга кечади.

Оксилларнинг парчаланишини бузилиши ва сурилишининг бузилиши асосида бир канча усимлик оксилларига идиосинкразияси (глиадин) касалликларига, целиакия мисолдир.

Целиакиянинг клиник белгилари: полифекалия, ахлат суюқ купикли. Ич кетиш натижасида гипотрофия ва «ургимчаксимон» куриниш юзага келади. Ичакнинг шиллик каватини биоптатини текширганда, атрофик еюнит аникланади. Уни даволашда овкат махсулотларидан глиадин таркибида булган овкатларни бермаслик тавсия этилади.

Шунга ухшаш ҳолат сигир сутини оксилни хазм қила олмаслик ҳолида ҳам учрайди, лекин у хаётнинг биринчи ярим йилида юзага келади. Ингичка ичак шиллик пардасининг биоптатини текширганимизда унинг субатрофияси топилади. Бундай ҳолда овкатланишда сигир сутини ва уни махсулотлари рациондан олиб ташланиши керак.

Оксил алмашинуви (регуляцияси) бошқарилиши нейрогуморал йул билан амалга оширилади. Гипофизнинг айрим гормонлари (соматотропин), андрогенлар, тестостерон, тироксин, трийодтрионин организмдаги оксил синтезини кучайтиради. Хаётнинг биринчи йилида альбумин миқдори камаяди, сунгра бола улгайган сари уларнинг миқдори оша боради. L1-L2 ва β –глобулинлар миқдори катталарникидан кам фарқ қилади. Албуминларнинг асосий функцияси озикланиш ва пластик материалдир. Альбуминларнинг паст молекуляр оғирлиги (60 мингдан кам) туфайли улар коллоид-осматик босимга сезиларли таъсир қилади. Альбуминлар билирубин, гормон, минерал моддалар (Ca, Mg, цинк, симоб) транспортида асосий вазифани бажаради. Бу хусусият клиникада гипербилирубинияни даволашда кул келади.

Юкори массага эга булган глобулинлар (90.000-150.000) мураккаб оксиллар таркибига қиради, L1-L2 глобулинларга муко ва гликопротленлар қиради, қайсиким улар яллигланиш касалликларида акс этган булади. Уткир яллигланиш касалликларида қондаги оксил формуласининг узгарида: L-глобулинларнинг купайишига боглиқ, асосан L2-глобулинлар хисобига, γ глобулини камаяди. Сурункали яллигланишда γ - глобулинлар миқдори ошади, альбумин миқдори камаяди, L-глобулинлар эса нормада ёки салгина ошиши кузатилади. Урта тезликда кечувчи яллигланишда L1- γ глобулинлар ошади, альбумин миқдори эса камаяди.

Гипергаммаглобуленемия пайдо булганида касалликни сурункали даври эканлигини курсатади. L-глобулинемия булганда эса касалликнинг авж олганлигини билдиради.

Янги тугилган чакалок хаётининг биринчи кунлари физиологик азотемия (70 ммоль/л -гача) булади. Чала тугилган болаларда, болани тана оғирлиги канча кам булса қоннинг азот миқдори шунчалик юкори булади.

Боланинг бу даврдаги азотемия эксикация ва буйраклар етишмаслиги билан боглиқдир. Оксил алмашинувининг охириги асосий захарли махсулотларидан аммиак хисобланади.

Бу захарли моддани организмдан чиқарилиш куйидагича:

- 1) Аммоний тузлари- буйраклар орқали чиқарилиб юборилади.
- 2) Токлик булмаган мочевинаяга айланади.
- 3) L-кетоглютар кислота билан богланиб глютамаат ҳосил булади.
- 4) Глютаминсинтемаза ферменти таъсири остида глютамаат билан богланиб глютаминга айланади.

Купгина тугма касалликларда қайсиким уларнинг асосида оксиллар алмашинувини бузилгани булади. Бунда аминокислоталар маълум даражада ахамиятга эга булиб, оксиллар метаболизмга катнашувчи ферментлар етишмовчилиги ётади. Баъзи аминокислоталарда тердан, сийдикдан нафас чиқариши хос хид келиб туради. Фенилкетонурияда- сийдикдан сичкон хиди- бунга сабаб фенилаланинооксидаза ферментининг етишмовчилигидир.

Чинор барги- касаллигида қанд куйгиси ёки карамел хиди булади. Бунга сабаб шохли аминокислоталар (Валин, лейцин ва изолейцин) алмашинувини бузилишидир.

Балик хиди L-гидрооксид бу тир кислотаси катнашадиган гиперметионемия касаллигида аникланган.

Лейкоцинозда- терлаган оёқни хиди келади. Бунга сабаб организмга изовалериан кислотанинг тутилиб қолиши ва тупланишидандир.

Янги тугилган чакалокларда глициноз касаллигида ацетон хиди келади (олма хиди).

Ҳар хил аминокислоталарда асаб рухий узгаришлар булади ва ривожланишдан орқада қолади булар (фенилкетонуриялар, гомоцистинуриялар, гистецинемиялар, гипераммонияликлар, гиперпролинемиялар, Хартнуп касаллиги ва бошқаларга) ҳосилдир.

Аминокислоталар билан касалланган болаларнинг купчилигида тутканок синдроми булади. Улар фенилкетонурия ва триптофан, витамин B6 алмашинуви бузилиш натижасида булади.

Аминокислоталарда альбинизм, фенилкетонурия, гистецинемия қуриш марказининг бузилиши, алкаптонурияда- пигмент тупланиши, гомоцистинурияда- қуш гавҳарагининг жойидан силжиши кузатилади.

Аминоауидурия, гомоцистинурия, гиперметионинемия, тирозиноз касалликларида- жигар циррози ривожланади. Гиперпролинемияда эса буйрак касалликлари симптомларини қуриш мумкин.

Гиперлизинемия, лейкопения, тромбоцитопатия- глициноз учун ҳосилдир.

Гомоцистинурияда- тромбоэмболияни ривожланиб бориши билан тромбоцитлар агрегацияси ошиши мумкин.

Аминокислоталарнинг алмашинувини бузилишидан ташқари яна шундай касалликлар аникланганки бунда организм учун муҳим булган бир нечта оксиллар синтези бузилади. Масалан антигемофилик глобуменлар-гемофилияда, Виллебрант касаллигида- фибриноген, афибриногенемия кузатилади.

Аномал оксиллар синтезининг бузилишидан ҳам турли хил касалликлар келиб чиқади (глобин-гемоглобинозда, макроглобулинемияда ва бошқа касалликларда).

Углеводлар алмашинуви.

Углеводлар асосий энергия манбаи бўлиб ҳисобланади. 1г углевод парчаланганда 16,7 кДж(4ккал) энергия ажралиб чиқади. Бир ёшли болаларда углеводларга бўлган талаби каллорияда 40%, бир ёшдан кейин 60% ташкил этади. Чакалоқларнинг биринчи ҳафталигида унинг сулагига амилаза ферменти бўлмайди ва сулак кам ажралади, 3-4 ойдан бошлаб сулак миқдори ва амилаза ферменти купая боради. Крахмалнинг гидролиза сулак таркибидаги амилаза ва ошқозон ости безини шираси таъсири остида боради, бунда крахмал мальтаза ва изомальтазага парчаланади.

Гестация даврида қараб ҳомиланинг ичакларида дисахаридазлар шаклланади, айниқса мальтаза, сахароза (6-8 ойгача) кейинчалик (6-8 ойликдан кейин) лактазанинг активлиги ошади. Шунинг учун ҳам, қурак ёшидаги болалар декстин-малтозли аралашмаларни яхши ҳазм қилади. Лекин лактоза ич кетишини чакириши мумкин. Лактозанинг мальабсорбцияси транзитор ва тугма бўлиши мумкин. Унинг биринчи турида ичак лактозасини усиши секин кечади, бу ҳолат ёш усиши билан юқолади.

Унинг тугма турида бу ҳолат узок чузилади ва қурак ёшида яққол сезилади. Бунда диарея-яъни болани ичи тез-тез утади(5-7 маротаба), ахлат купиксимон аччиқ характерда, дегидратация болани ахволини оғирлаштиради. Гликоценоз ва гликогенолиз процесларининг интенсивлигини таққослаб қурилганда, қондаги қанднинг миқдори муҳим система орқали бошқарилади бунда: бодомсимон ядро, узунчоқ мия иштирок этади. Булар билан бир қаторда углевод алмашинув реакциясида эндокрин безлар: ошқозон ости бези, қалқонсимон без, буйрак усти бези қатнашади. Бир қанча ҳолатларда энзим системасининг тугма дефектлари ҳам қузатилади. Бу ҳолатларда гликоген синтези ва парчаланиши жигар ва мускулларда функцияси бузилади. Гликоген метаболизмга иштирок этувчи баъзи- бир ферментларнинг етишмаслигига қура гликогенознинг бир нечта тури бор.

- I. Гирке касаллиги- бу касаллиқнинг асосида глюкоза -6 – фосфатазанинг етишмаслиги ётади. Клиник белгилари – бола тугилгандан кейин касаллик уткир бошланади, гепатомегалия, гипогликемик тутканоклар, кома, кетоз билан бошланади. Кейинчалик бола усишдан орқада қолади, қорни қатталашади, танаси узунлашади, боши қатта, оёқлари қалта бўлади. Овқатлантиришнинг оралигида қуя терлаши, гипогликемия сабабли ҳушини юқотиши қузатилади.
- II. Помпе касаллиги- бунинг асосида аччиқ мальтоза ферментининг етишмаслиги ётади. Клиник белгилари тугилгандан сунг пайдо бўлади. Бундай болалар тезда улади. Гепатомегалия ва кардиоомегалия қузатилади. Гипотония натижасида бола туролмайди, эмаклолмайди, бошини туттолмайди ва юрак етишмовчилиги юзага келади.
- III. Кори касаллигидир- бу касаллик асосида амино 1,6 глюкозидаза қамчилиги ётади. Клиник жихатдан Гирке касаллигига ухшайди лекин унчалик оғир кечмайди. Гликоген жигарда (гепатомегалия), ёки бир вақтнинг узида мускулларда тупланиб қолади.
- IV. Андерсин касаллигидир- бу касаллик 1,4-1,6- трансглюкозидаз ферменти етишмаслиги билан характерланади. Клиникасида – сариклик, гепатомегалия, жигар циррози портал гипертензияси, ошқозон веналарининг варикоз қенгайиши ва қон кетиши қузатилади.
- V. Мак-Ардул касаллиги – 3 ойликдан бошлаб пайдо бўлади. Бунда бола қуракни эмолмайди, тез-тез қарчайди, гликогенни аста-секин тупланиши натижасида мускулларни сохта гипертрофияси қузатилади.
- VI. Герца касаллиги- жигар фосфорилазасининг етишмовчилиги билан характерланади. Клиникаси: гепатомегалия, гипогликемия, усишдан орқада қолади. Касаллик енгил кечади.

Углевод алмашинувининг яна бир қурбатқичлардан бири қондаги қанд миқдоридир. Қанднинг қонда қутарилиши ёш болаларда тулқинсимон кечади.(1-чи тулқин – ёшда: 2-чи тулқин -2 ёшда) бу буй усишини таъминловчи соматотропин гормонининг концентрациясини ёшга қараб узғариши билан параллел кечади.

Қатта ёшли қишларга қанд эгри қизигини текшириш учун – қанд нағрузкаси бериш билан утқизилади.

1г/кг

1½ ёшда – 2,5г/кг

3 ёшгача 2г/кг

12 ёшгача – 1,75г/кг.

Болаларда қандли диабет касаллиги учрайди, унинг клиник белгилари: полидексия, полиурия, ориқлаш, гипергликемия ва глюкозурия, кетоацидоз билан кечади.

Касалликлар орасида тугма углеводларни ҳазм қилаолмаслик (идеосинкразия) оқибатида қелиб қиқадиганлардан:

1. Фруктоземия- фруктоза етишмовчилигидан (наследан-наслга аутосом-рецисив турда берилади).

Клиникаси: Таркибида қанд бўлган маҳсулотлар истеъмол қилинганда қуя терлаш, қушиш ҳушдан қетиш қузатилади. Шундан кейин транзитор сариклик, сийдикда оксил пайдо бўлиши, гепатоспленомегалия, жигар циррози бўлади. Бу аномалияни сабаби альдолазалар энзимасининг йуқлигидадир. Даволашда қасал рационидан фруктозаси бор маҳсулотлар маън қилинади, томирга глюкоза юборилади.

Галактоземия- галактозанинг етишмовчилигидан қелиб қиқади. Бу наслий энзимопатия рецессив тип орқали узатилади, унинг асосида галактозанинг глюкозага айланишининг бузилиши ётади.

Клиникаси: касаллик 1-2 ҳафтадан бошланади, иштаха юқолади, қушиш бошланади, тана оғирлиги қамаяди, сариклик ривожланади, сийдикда оксил пайдо бўлади, аминоацидурия ривожланади, жигар ва талок қатталашади, қон кетиш қузатилади, қатаракта ривожланади.

Даволаш: маҳсул овқатлар ва галактозасиз сутли аралашмалар буюрилади.

Ёғлар алмашинуви

Ёғлар алмашинуви нейтрал ёғлар, фосфатидлар, гликолипидлар, холестерин, стероидларни алмашинувини уз ичига олади. Ёғлар организмда тез-тез янғиланиб туради. Барча ёғларнинг ярми қатталарда 5-9 кун ичида янғиланиб турса, ёғ туқималарида ёғ 9 кунда, жигарда эса ҳар 3 кунда янғиланади.

Организмдаги ёғлар химиявий ва гистологик жихатдан

2-категорияга бўлинади.

А-«асосий» бу ёғлар хужайра таркибидаги липидлар киради. Бундай ёғлар одам узок вақт оч колганда ҳам организмга сакланади.

Б —«кушимча» бу ёғлар тери ости ёғ клетчаткасида, буйрак атрофи ёғ катламида, тухумдон атрофида, ичак чарвиларида, суяк кумикларида жойлашган булади. Бундай ёғларнинг миқдори доимий эмас, улар энергия йукотилишига, овқатланиш характериға караб сарфланадилар.

Хар хил ёшли хомила танасининг таркиби текширилганда, ёғлар тупланиши хомилдорликнинг охириги ойда гестациясининг 25 хафтасидан кейин тез ривожланади. Янги тугилган чакалоқларнинг организмда ёғлар 11,9-16, 1%-ни, 6- ойликка келиб эса 26%-ни ташкил этади.

Ёш болаларни ва катталарнинг ёғ туқимасида триглицеридларнинг турли хил химиявий таркибларида ҳам фарқлар бор. Чакалоқларнинг ёғлари таркибида олеин кислотаси(69%) катталарникига нисбатан кам, катталарда у 90% -ни ташкил этади, лекин палмитин кислотаси болаларда куп 29% булиб, катта ёшдагиларда 8%- ни ташкил килади. Ёш болаларни ёғини суюлиши 43°С-да катталарники 17,5 °С, бу ҳолат 1 ёшгача булган болаларни парваришлашда ва парентерал йул билан дори-дармонларни юборилаётганда инобатга олиш зарур.

Кукрак билан озикланишда, ёғлар ошқозон ичак йулида липолитик ва ут кислоталари таъсирида парчаланади ва сурилади. Ингичка ичакнинг урта ва пастки қисмларида шиллик каватда ёғ кислоталари, глицерин, моно-ди-триглицеридлар ҳам сурилади.

Сурилиш пиноцитоз йули билан кичик ёғ хужайралари ичакнинг шиллик пардаси хужайралари орқали (хиломикронлар размери 0,5мкм), сувда эрийдиган қушилмалар= ут тузлари, кислоталар, холестерин эфирлари ҳолатида кечади.

Хиломикронлар ёғлар ва липидлардан ташкил топган булиб, яъни липопротеинлардан тузилгандир. Липидлар, липопротеинлар қуринишида кон зардоб и орқали жигар ва туқималарга етказилиб берилади. Ёғ кислоталарнинг катаболизмида оралик махсулотлар сифатида кетон таначалар пайдо булади (Р- окс и ёғ кислотаси, ацетоуксус кислотаси ва ацетон).

Озикланишни кетогенлигини қуйидаги формула орқали топиш мумкин:

$$KOC = \frac{\text{ёғлар} + 40\% \text{оксил}}{\text{углевод} + 60\% \text{оксил}}$$

Агар бу нисбат 2-дан юкори булса овқат кетогенли хусусиятга эга булади.

Катталарникига нисбатан ёш болаларда кон липидограммаси ёшга караб фаркланади, яъни чакалоқларда нейтрал липидларнинг миқдори юкори булиб, 1-ёшдан кейин бир оз лецитин миқдори ошади. Кефалин ва изолицитин стабиллигида, линолен ва арахидон кислотолардан ташқари, организм барча ёғ ва липидларни синтез кила олади.

Кондаги липидлар концентрациясини патологик жараёнлари.

Гиперлипемия- нефроз, диабет, гипотиреоз ва жигар касалликларида учрайди, лекин иккиламчи гиперлипидемия ҳам бор, бунда факатгина триглицеридларгина эмас, балки холестерин миқдори ҳам ошади. Бирламчи гиперлипидемия наслий касалликдир.

Гоше касаллиги- бунда талокда, жигарда, суяқларда цереброзид туланади. Бу цереброзид нормал цереброзиддан фарқ қилиб, галактоза молекуласи урнига глюкоза жойлашган булади.

Клиник қуриниши- аста секинлик билан гепатоспленомегалия ривожланади, суяқларда огрик, айниқса болдир суягининг дистал қисмида огрик, R-граммада емирилиш майдони аникланади, анемия, лейкопения, тромбопения юзага келади. Касаллик сурункалидир, у бир неча йиллар давом этиши мумкин. Бу касалликни аниқлаш учун суяк куммигидан, талокдан биоптат олиб қурилганда, катта, купиксимон липидларнинг тулашиб колганлиги қуринади.

Тей-Сакса-Шоффера- касаллиги (амавротик идиотиянинг инфантия тури).

Касаллик асосида нерв системасида ганглюкозидларнинг тупланиши ётади. Касаллик 6- ойликдан бошланади, рухий ва аклий ривожланишдан бола орқада қолади. Кардинал белгиларига идиотия, тутканок, мускуллар гипертонусидир. Касаллик 1-йилгача давом этиб улим билан тугайди.

Ниман-Пика касаллиги- касалликнинг асосида сфингомиелиннинг жигарда, талокда, лимфа тугунларида, терида утилишининг бузилиши ётади.

Клиник симптомлари- касаллик иккинчи ярим йилликдан бошланади. Бунда гепотоспленомегалия, аклий ривожланишдан орқада қолиш, мускуллар гипертонияси ёки гипотонияси, тутканок киради. ¼ қисм касалларда куз тури каватида кизил доғлар қуринади ва касалликнинг охирида карлик, корин катталашуви ва бу улимга сабаб булади.

Ретикулоэндотелиозлар: бу касалликнинг сабаби аникланган эмас. У икки қуринишга юзага келади. Холестериннинг туқималарда тупланиши иккиламчи жараёндр.

Леттере-Зивс касаллиги- кукрак ёшидаги болаларга хос касаллик. Гепатоспленомегалия ва лимфа тугунларининг кенгайиши, суяқларни инфальтрацияси ва геморрагик диатез билан кечади.

Хенда- Шюллера- Крисчена- касаллигида грануломалар суяқлар ва суяк туқималарига тарқалган улар суяқларни бузади.

R- граммада суяқларда географик картани эслатувчи доғлар пайдо булади. Даволашда- рентгенотерапия, преднизолон қулланилади.

Сув ва туз алмашинуви.

Хаёт учун керак, муҳим булган химиявий ва физикавий процесслар суюкликлар системасида булиб утади. Болаларнинг организми ва туқималари катталарникига нисбатан куп сувни ташкил этади. 3- ойлик эмбрионал даврда тананинг 95,4%ни сув ташкил килади. Тугилиш вақтига келиб 75,5%, 5- ёшли болаларда 70%- ни сув ташкил килади. Чакалоқлар сувни физиологик масса, ахлат, сийдик ва нафас орқали йукотади.

Суюкликлар организмда 2 хил:

1. Хужайра ташқарисида
 2. Хужайра ичкарисида учрайди.
- Хужайра ташқарисидаги суюкликда кон плазмаси,

интерстициал суюклик киради. Амалий жихатдан кон плазмаси ва хужайраларо суюклик NaL_2 ва карбонат кислоталарнинг аралашмаларидир. Бундан ташкари плазмани 60-70г/л оксил ташкил килади. Хажайраларо суюклик харакатчан булиши мумкин. Бунга плазма ультра- филтратининг буш кисми хужайра ва капиллярлар орасида жойлашган булади. Харакатчан суюклик эса кушувчи тукима таркибига жойлашган булади. Трансцеллюляр суюклик ошкозон-ичак трактида синовиал пардада ва куз пардаси намловчи холатда жойлашган булади. Хужайра ичкарасидаги суюклик, хужайраларга калий фосфатлар ва оксилларни ташкил килади. Хлор ионлари купгина хужайраларда тулик туширилиб колдирилади. Натрий концентрацияси паст булади. Натрий етук тугилган болаларнинг кон плазмасида 142 ммоль. ташкил килади.

Натрийнинг буфер системаси, кумир кислотаси ва фосфатлар составига кириб алмашинувга иштирок этади. Бундан ташкари, натрий- адреналин кучини потенциаллаб, томирлар тонусини регуляциясини таъминлайди.

Натрийни организмда ушланиб колиниши- гипертония, уткир нефрит касалликлариди булади.

Калий- асосан хужайра ичкарасидаги суюкликлариди жойлашган булади. Нормада кон зардобиди 1,5 м/моль калий бор. Калий синапсларга таъсир утишини регуляция килади. К- етишмаслиги натижасида мускул кискаришининг кучсизланиши билан кечади. Калийнинг концентрациясининг узгариши ЭКГ да аникланади. Гипокалиемия учун куйидаги белгилар характерлидир.

1. Паст ва кенг тишлар.
2. Электрик систолани узайиши.
3. S-T интервалини пасайиши
4. Т-нинг икки фазалиги.

Организмда калийнинг ушланиб колиниши гиперкалиемияга олиб келади, унинг ЭКГ-даги белгилари:

1. Юкори ва уткир тишлар.
2. QRS- комплексининг кенгайиши.
3. Р- тишининг пасайиши.

Кальций- кальций ва магнийнинг икки валентли

катионларининг алмашинуви буйнинг усишида катта роль уйнайди. 1-ёшли болаларнинг кон плазмасида 2,5-2,8 ммоль кальций ташкил этади. Агар кон плазмасида кальций микдори 2 ммоль/л гача пасайиб кетса гипокальцемия ривожланади. Бу эса асаб-мускул сезувчанлигини ошиши ва клониотоник тутканоклигача бориши мумкин.

ЭКГ-да гипокальцемия куйидаги белгилар билан намоён булади:

1. Юракнинг электрик систоласининг кенгайиши(QT).
2. Тишларнинг симметриклиги(T).
3. $\frac{QT}{RR} \geq 0,42$ ва $\frac{RT}{RR} = 0,50$ уртасидаги фаркнинг кенгайиши.

Гиперкальцемияда S-T интервали кискаради. Кальций гемеостазнинг регуляциясига катнашуви калконсимон ва калконсимон орти безининг гармонлари таъсири билан бирга утади.

Магний- болаларнинг кон зардобиди 0,06-0,09 ммоль/л-ни ташкил килади. Магний худди кальций каби асаб-мускул сезувчанлигини таъминлайди. Магний АТФнинг парчаланишида иштирок этади ва гексокиназ, фосфоглюкомутаз ферментлари таркибига киради.

Магний етишмовчилигида болаларда асаб мускул сезувчанлигини ошиши ва узок вақт давом этадиган ич-кетиш билан кечади.

Фосфор- фосфор алмашинуви кальций алмашинуви билан бирга кечади, бунда паратгормон пасайтиради, кальцитонин эса аксинча кон зардобиди фосфор микдорини оширади. 1-ёшли болаларнинг кон зардобиди фосфор микдори бирмунча баланд булади.(1,29-2,26ммоль/л).

Хлор- хужайралардан ташкаридаги суюкликнинг таркибида булиб, натрий билан биргаликда осмотик босимнинг доимийлигини саклаб туради. Кон плазмасида нормада 96-107ммоль/л хлор булади. Муковисцедозда хлорнинг микдори узгаради, бунда тер суюклиги билан у куп микдорда ажралиб чикиб, «сувли» интоксикация клиник синдромида намоён булади.

Гемостазни бошқарилишида мухим нейрогуморал система иштирок этади: гипотизининг орка булаг, буйрак усти безининг магз кавати.

Антидиуретик гормон- буйрак каналчаларида сувнинг кайта сурилишин бошқаради.

Буйрак усти беги гормонлари, натрийни реабсорбциясини тезлаштиради, организмдан калийни чикаришини бошқаради.

Болаларда сув-электролит алмашинуви жуда хам характерлидир. Уларда гипер ва дегидратация холатлари жуда хам тез руй беради.

Дегидратациянинг клиник белгилари куйидагилардир:

1. Тана огирлигини пасайиши.
2. Терининг куруклашуви, бунда тери тез бурмаланади, секин ёйилади, куз пардаси ва склераси курукланади.
3. Бошланишида юрак тонлари жарангдор, кейинчалик эса пасаяди.

Бу холат иссик уриши, уткир ошкозон-ичак касалликлариди юзага келади.

Гипергидратация- ёки «сувли» интоксикация- узок буйрак касалликлариди, электролит таркибига хисобсиз суюкликнинг кириши натижасида руй беради.

Клиникаси: бош огриги, кайт кишиш, чарчаш, миянинг шишиши билан ривожланади.

Буйрак, нафас системаси касалликлариди, овкат таркибида сув етишмаслиги холларда гиперосмия юзага келади. У лабил ё стабил булиши мумкин. Стабил гиперосмия эндокрин касалликларига хос.

Лабил гиперосмия- пневмонияда, менингитда, кандли ва кандсиз диабетларга хос.

Бирламчи гиперальдостеронизм- (Кон синдроми)- буйрак усти беги магзининг усмаларида- альдостерон секрециясининг ошиши.

Клиник белгилари- полиурия, полидепсия, ривожланишидан оркага колиши, кон босимини ошиши, алкалоз, гипокальцемиа, гиперкалиемиурия.

Давоси: усмани олиб ташлаш, преднизолон ва тузлар бериш керак.

Кушинг –синдроми- буйрак усти безининг магз каватининг гиперфункцияси.

Клиник белгилари: семириш, буй усишини оркада колиши, остеопороз, полицитемия, кон босимини кутарилиши, гипохлоремия, гипокалиемиа, алкалоз, мускуллар нимжонлиги ва юз терисида тошмалар, гирсутизм характерли.

Давоси: кортикостероидлар ва тузлар бериш керак.

Кандсиз диабет-гипофизда усмалар, жарохатланиш, яллигланишлар.

Клиник белгилари: полиурия, никтурия, изогипостенурия(1001-1005), полидепсия, эксикоз.

Давоси: гипофизнинг курилган препаратларини кабул килиш, адиурекрин порошогини хидлаш, галандунтринни 1 кунда 2 марта инъекция килиш.

Ацидоз ва алкалоз.

Метаболик жихатдан эксикозда учрайди. Бу ошкозон- ичак касалликларида, шоклар, диабет, уремия, буйрак каналчаларининг функциясининг бузилишидан келиб чиқади.

Респиратор ацидоз-чакалокларда гипоксия холатларида, огир пневмонияда, эмфиземада булади.

Метаболик алкалоз-кусишда, калий етишмовчилиги билан кечадиган сурункали касалликларда кузатилади.

Респиратор алкалоз- упка гипервентиляциясида, пневмонияда ривожланади.

Метаболик ацидозда- токсик нафас олиш кузатилади. РН- микдори 7 гача пасаяди, МНХ ошади.

Ацидоз- мия, нафас олиш марказида, миокарда паралич булиши мумкин.

Сурункали ацидозда-буй усиши ва ривожланиш бузилади.

Алкалоз учун тутканок характерлидир, унинг хуружи кон зардобиди кальций ионларини камайиши кузатилади.

Сурункали алкалоз- калий етишмовчилигига сабаб булади.

Мавзу: №16.**Маъруза матнида табиий озик (кукрак билан эмизиш, она сути) хакида тушунча, лактация даврлари баён килинган. Молозиво (дастлабки она сути) таркиби, ахамияти ва янги тугилган чакалокнинг дастлабки озикланиши, она сути билан овкатлатириш ахамияти, афзалликлари. она сути ва мол сутининг микдор,сифат ва биологик фарқи, болани она сути билан эмиздириш коидалари, овкатлантиришда овкат микдори ва сонини аниклаш усуллари хакида маълумотлар берилади.**

16- маъруза: Болаларни овкатлантириш. Табиий овкатлантириш. Табиий овкатлантириш эмизикли оналарнинг овкатланиш тартиби, 6 ойгача булган болаларга таомномалар тузиш.Табиий овкатлантиришда овкат инградиентларига булган талабни хисоблаш ва уларни ёшига караб коррекция килиш. (4 соат)

1. Болаларни овкатлантириш. Табиий овкатланиш
2. Табиий овкатлантириш эмизакли оналарни овкатлантириш тартиби.
3. 6- ойгача булган болаларга таом номалар тузиш.
4. Табиий овкатлантиришда овкат инградиентларига ва овкат хажмига булган талабни хисоблаш.
5. Болаларнинг ёшига караб овкат инградиентларини коррекция килиш (тугрилаш).
6. Эмизакли оналарни суткалик овкат рацион.

Табиий овкатлантириш деганда, 2 ёшгача булган болаларни она сути билан биргаликда кушимча овкатлар билан овкатлантиришга айтилади.

Овкат махсулотлари билан бола организмга керакли инградиентларни олади, кайсики сарфланган энергия ва асосий модда алмашуви урнини тулдиради. Тукималарни кайтадан тиклаш учун организмга овкат махсулотлари билан бирга пластик материаллар хам тушади, бу асосан ёш усувчи организм учун ахамиятлидир. А.Ф.Турнинг маълумоти буйича «Болани тугри овкатлантириш , у унинг узига хос жихатларидан бири булиб, бола соглиги ва хаётини сақлашда умумий ва индивидуал профилактик чоралар ичида энг мухим ва эффектив фактор булиб хизмат килади».

Болани овкатлантиришни ташкил этишда асосий диққатни боланинг биринчи ёшидаги даврига каратиш талаб килинади. Сунъий овкатлантириладиган болалар сони йилдан-йилга ошиб борапти. Буни олдини олиш учун хомиладор ва эмизакли аёллар орасида табиий овкатлантиришни тарғибот килишга асосий диққатни каратиш керак.

Режали овкатлантириш –боланинг физиологик ривожланишига,усувчи организмнинг гармоник ривожланишига, иммунитетининг ошишига, ташки мухитнинг салбий таъсирларига карши туриши учун катта ахамиятга эга. Кукрак ёшидаги бола учун энг зарур ва керакли озик модда бу она сутидир.

Она сути болани хазм килиш учун ва модда алмашинувига жуда мослашган махсулотдир булиб, бола ривожланишининг биринчи ойларида бу жуда мухимдир. Унинг урнини хеч кандай махсулот босолмайди, она сути болани тугри ривожланиши учун керакли барча махсулотлар мажмуасидан иборат нодир табиий озикадир. Шунинг учун хар бир она, уз боласини 2-ёшгача сут билан бокиши зарурдир.

ЛАКТАЦИЯ: Сут беги 15-20 та безсимон булаклардан, бириктирувчи тукима усимталари билан булакча ва ацинусларга булинган. Ацинусларда кубсимон хужайралар бор, булар сутни синтезлайди, миоэпителиал хужайралар эса, сутни харакатга келтиради ва сут булакчалар аро каналларга окизилади. Бу каналлар кичик сут йуллари дарахтини ташкил этади ва улар сургичга келиб кушилади.

Сут безларини мукамал ишлаши ёш кизларни балогатга етиш даврига тугри келади. Бутунлай тараккий этиши эса, хомиладорлик даврида ва бола тугилгандан кейин, чуққисига этади.

Сут безининг,сут ишлаб чиқариши 4 фазадан иборат:

1. Маммогенез.

2. Лактогенез.
3. Галактогенез.
4. Автоматизм

1. Маммогенез фазаси хомиладорликнинг 2-3 ойларида бошланиб, сут беи паренхимасининг гипертрофияси билан бошланади. Интерстициал тукима камаяди, томирлар системаси эса купая боради ва ацинус тукима билан бирика бошлайди.

Сут беи эстроген ва прогестерон гормони таъсирида катталашади. Эстрогенлар сут йуллари ва уни окимини ривожланишига ёрдам берса, прогестерон эса ацинусларни катталашиши ва пролиферациясини таъминлайди.

Маммогенез жараёнига гипофиз гормонлари, ошкозон ости ва хомила(хориал гонадотропини, хориал соматотропини) гормонлари ҳам таъсир килади

Бу даврда сут беи, сут ишлаб чикармайди, шунингдек унда юкори таркибли эстрогенлар ва прогестеронлар галактогенез жараёнини сусайтиради.

2. Лактогенез- ацинуслар секрециясининг ошиши фазаси булиб, бу эпителиал хужайраларини емирилиши билан давом этади. Шунинг натижасида хужайларни апиал кисми булиниб экскретор каналларга тушади. Ацинусларда эпителиал хужайраларнинг секретларини тупланиши хомиладорликнинг 4-ойларидан бошланади, лекин сут йулларидан сутнинг келиши тугрикдан кейин булади.

Лактогенезнинг бошкарилиши мураккабдир.

Гипофизнинг олдинги булагидаги ацидофил хужайраларидан голопротеин хосил булади. Голопротеин активлиги хомиладорлик вактида хайз циклидагидан 20 марта тез усади. Голопротеиннинг юкори концентрацияси факатгина тугрикдан кейин 24-48 соат сакланади. Кейинчалик, болани эмизиш натижасида голопротеин синтези рефлектор равишда пасайиб кетади.

3. Галактогенез –бу ажралиб чиқкан сутнинг тупланиш фазаси булиб, ацинус эпителиал хужайралардан сут ажралиб чикиб, альвеолалардан сут йулларида йигилишидир.

Суриш акти – эмизиш даврида, сут беи сургичининг таъсирланиши билан рефлектор равишда гипоталамус

функцияси пасая боради ва пролактин хосил булишини оширади. Бир вақтнинг узида гипофизнинг орка булагидан

окситоцин гормони хосил булади, бу эса ацинусларни миоэпителиал хужайраларини кискаришини тезлаштиради

ва сут йулларида сут ажралиб чикишини таъминлайди.

4. Сут безининг функционал автоматизм фазаси тугрикдан кейин юзага келади.

Лактацияни давом этишида биринчи навбатда суриш акти рефлектор асосида таъсир этади. Шу билан бир каторда ацинусларни сутдан бушалиши, стимуллайдиган факторлардандир. Бу эса пролактиннинг иштирокисиз утади. Агар болани тугри ташкилий овкатлантирганда лактация узок давом этади ва йил охирида ацинуслар эпителиясини заифлаши билан тугалланади.

Сутнинг таркибига йил фасллари ва куп генетик факторлар, гормонал ва экзоген(тартибли овкатланиш), онанинг касалликлари таъсир курсатади.

Яхши маълумки, онанинг овкатланиши унинг сути таркиби ва хажмига таъсир килади. Эмизикли она махсус пархезга мухтож эмас. Шуниси мухимки, у ейдиган овкат тула кимматли таркибга ва сифатли булиши керак. Бу эhtiёжларни коплаш учун эмизикли она рационада хар куни куйидагилар булиши керак: гушт-180-200 г, сут-500мл, творог-50г, сыр-50г, ёг-50г, тухум-1 дона, сабзавотлар-500-600г, мевалар-200г, нон-400-500г. Экстрактив модалар спиртли ичимликлар, чекиш катъян ман килинади.

Эмизикли она уйку ва дам олиш режимига тугри, амал килиши керак, огир жисмоний таъсирлар, машклар килмаслиги ва албатта тоза хавода купрок булиши керак.

Бола тугилгандан 3-4 кунликгача она курагидан увуз сути келади, кейин оралик сут ва 2-3 хафталарга она сути етилган ва доимий таркибга эга булади.

Увуз сути таркиби жихатдан янги тугилган чакалоклар тукимасига якин булади, шунинг учун у организмга асосан хазм булади. Увуз сути куюк, саргил рангда булиб, оксилга бой булади, оксил формуласи асосан альбуминлардан ва глобулинлардан ташкил топган булиб улар чакалоклар конидаги оксилларга якиндир.

Увуз ва етилган сут аминокислоталар таркиби билан ҳам фарк килади. Увузда куйидаги аминокислоталар яъни триптофан, тирозин, гистидин, лейцин ва цистин 2-2,5 марта куп булади.

Увузнинг зичлиги 1050-1060, етилган сутга караганда оксил куп микдорда, каротин ва витамин А 2-10 марта, аскорбин кислотаси 2-3 марта, витаминлар В-12, Е минерал тузлар 1,5 марта купдир.

Увузда жуда куп микдорда иммуноглобулин А бор, лекин ёг ва сут шакари кам булади. Лактоза таркибидаги галактоза моносахаридлар янги тугилган чакалокларда манфий кальций балансини бошкариб туради. Увуз сути ёгида олеин кислотаси, холестерин ва фосфолипидлар куп микдорда сакланади.

Бола онасидан увуз билан куп микдорда иммун таначалар олади, булар боланинг биринчи кунларида тугрик касалликлардан саклашга катта ахамиятга эга.

Чакалоклар увуз билан кимёвий антителолар, юкори концентрацияли лизоцим ва ферментлар (пепсиноген, трипсин, липаза, амилаза) олади. 100 мл увуз калорияси 150 ккалга тенг, етилган сут эса, 60 ккал энергия беради.

Шундай килиб, табиий овкатлантириш янги тугилган болаларни ташки мухитга мослашувида катта рол уйнайди.

Она сути хар хил хайвонлар сутидан микдорий таркибида оксил, ёғ, углеводлар, минерал тузлар ва сув билан фарк килади, Она сути оксили сигир сутидан 3 марта кам. Лекин она сутдаги оксил жуда бебаҳо, унинг таркибида асосан альбуминлар, сигир сутини эса, казеин ташкил килади. Она сути таркибидаги альбумин ва казеин 1:1 нисбатни сигир сутда эса, 6:1 нисбатини ташкил килади. Она сутдаги альбуминлар кичик дисперсли булиб, ошқозон ва ичакда осон ҳазм булади ва ҳазм ширасини куп микдорда ажралишини талаб қилмайди. Шунинг учун она сути оксили сигир сути оксига нисбатан тула кийматлидир.

Она сути ва сигир сутдаги ёғлар микдори бир хил, лекин сифат жиҳатидан бир-биридан фарк килади. Она сутда куп микдорда туйинмаган ёғ кислотарали булади. Шундай муҳим ёғ кислоталари: линолен, линол, арахидон кислоталари она сутда 4-7 марта купдир. Она сутдаги ёғлар сифати жиҳатига фосфорлипидлардир, булар ёғларнинг резорбциясида муҳим рол уйнайди. Она сутининг таркибида оз микдорда учувчан ёғ кислоталари мавжуд булиб уларнинг ошқозон ичак шиллик пардаларига тасири энгил утади. Она сути ёғларининг сифати кимматлиги шундаким, улар юкори дисперсли булиб, эмулсия ҳолатида булади ва сурилиши энгил утади. Она сутдаги углеводлар ҳам сигир сутидан фарк килади. Она сутдаги лактозалар, В- лактозадан ташкил топган булиб, сигир сутдаги лактозасини куп қисми А- лактозадан ташкил топган. Болаларни табиий овқатлантирилганда В- лактоза Бифидо-Бактерияларни усишини таъминлайди, патоген ичак флорасини усишини камайтиради бу эса ошқозон – ичак йулини яллигланишини олдини олади.

Бола организмни интенсив усиш даврида Са ва Р тузлари керак булади. Она сутда сигир сутга караганда Са микдори 4-марта ва Р – 2 –марта кам. Лекин она сутдаги Са ва Р узлаштириш муносибати (2:1) тенг ва болаларни физиологик усиши ва суяк системасини ривожланишига мутаносибдир.

Она сутда етарли микдорда микроэлементлар топилган. Булар мис, рух, маргенец ва бошқалардир. Улар организмни фаолиятини бошқаришда ва кон ишлаб чиқоришда асосий рол уйнайди.

Она сути сигир сутга караганда С, Е, А витаминларига бойдир. Сигир сутда эса, она сути таркибидан В- витаминлар группаси 2-маротаба, рибофлавин –3 маротаба, пантотен кислотаси 4 маротаба, биотин-6 маротаба, В12-10-11 маротаба купдир. Лекин сигир сутини суюлтирилганда ва уни қайнатганда витаминлар микдори пасайиб кетади, бу ҳолатни болаларни сунъий овқатлантиришни назарга олиб, уларга вақтлик мева шарбатлари ва бутқалар бериш тавсия қилинади.

Она сутидан бактериостатик моддалар лизоцим, пропердин, атителалар ичак деворларидан сурилиб, бола организмизда пассив иммунитетни ҳосил килади.

Бола онасидан сутни иссиқ, стерил ҳолатда суриб олади. Сут билан бирга 3-4 ҳафтадан бошлаб А, G, М, Д, Е иммуноглобулинларини юкори микдорда қабул килади.

Шундай қилиб ,она сути бола учун бебаҳо озуқаидир. Шунинг учун хар бир тиббиет ходими табиий овқатлантиришни ота-оналарга тарғибот қилиши лозим.

ЧАКАЛОКЛАРНИ ОВКАТЛАНТИРИШ

Соглом тугилган чакалоқларни ,тугилгандан 15-20 минутдан кейин эмизishга бериш керак. Бу биринчи томондан ,она кон зардобиди пролактинни купайинига таъсир этиб , лактацияни кучайтиради.

Иккинчи томондан, бола организмни иммунитет билан таъмирлайди ва ичак микробиоценозини мустаҳкамлайди.

Соглом етилган болаларни 1-кунда хар 2,5-3 соатда овқатлантириш зарур, бир кунда 8 маротаба, 6 соатли кечки танаффуз билан. 2-3 ойдан – 6 ойгача 6-7 маротаба, хар 3,5 соатда, кечки танаффуз 6,5 соат. 6 ойдан – 1 ёшгача хар 4 соатда, бир кунда 5 маротаба, кечки танаффуз 8 соат.

Янги тугилган чакалоқларнинг биринчи 7-10 кунда зарур булган сут микдори А.Ф. Тур формуласи буйича (70х 80 мл х п. п – чакалоқнинг кунлик ёши), ёки Г.И.Зайцев буйича (суткалик сут микдори = чакалоқ вазнининг 2% х п – кунлик ёши) ҳисобланади.

Овқатлантириш 20-30 минутдан ортмаслиги керак. Янги тугилган чакалоқлар организмнинг суюқлик юкотишини ва гипогликемик ҳолатга чидамлигини ҳисобга олиб, суюқлик ичиш режимини кучли саклаш зарур. Шу маънода чакалоқларга глюкозанинг 5% эритмаси ёки Na Cl ни 0,9 % физиологик эритмаси бериш керак.

Бола учун зарур булган сут микдори ҳисоблаш услублари

Бола ҳаётининг биринчи яримида зарур булган овқат ҳажмини бир канча услублар билан ҳисобланади.

1. Ҳажмий услуб:

Тана вазнига боглиқ холда ҳисоблаш билан утказилади:

10 кундан то 6 ҳафтагача булган ёшда 1/5.

2 ойдан - 4 ойгача - 1/6

4 ойдан - 6 ойгача - 1/7

6 ойдан - 9 ойгача - 1/8

2. Калорияли ҳисоблаш.

Бола хар 1кг вазнига куйидагича калория олиш керак:

Ёшнинг 1 чорагида 120ккал/кг

II чорагида 115

III чорагида 110

IV чорагида 100 ккал/кг

1 литр сут уртача 700 ккал яъни 2929 кЖ энергия беради.

Курсатиб утилган ҳисоблаш усулларидан нисбатан аниқроғи калорияли ҳисоблаш услубидир, лекин суткалик овқат ҳажми 1000 мл дан ошмаслиги керак.

Болаларнинг асосий озик-овқат ингридиентларига этиёжи.

Табиий овкатлантиришда оксил – 6 ойгача 2-2,5 г/кг
6-12 ойгача - 3,0 г/кг.

Ёглар : 1-3 ойгача - 6,5г/кг
4-6 - 6 г/кг
7-12 - 5,5 г/кг

Бир ёшгача булган болаларни углеводларга булган талаби 13-15 г/кг

Овкат ингридиентларининг узаро муносибати кушимча овкатлантиришгача 1:3:6 га тенг, кушимча овкат берилгандан кейин 1:2:4.

Боланинг тула микдорда эмганлигини билиш учун эмизиш ва овкатлантиришдан олдин ва кейин тана огирлигини улчаш, ҳамда хар овкатланганда канча огирлик кушилганлигини аниклаш керак.

Агар айрим озик махсулотларини етишмаслиги сезилса дархол коррекция килиши зарур. Масалан оксил етишмовчилигида творог, ацидофил пастаси, оксил энпиты берилади. Ёг етишмаслигида 20% каймок ва усимлик ёғи, сариёғ, углевод камчилигида канд шарбати, мева шарбати тавсия этилади.

Кукрак ёшидаги болаларни овкатланишида оптимал шароит талаб этади. Боланинг биринчи ойлигидан бошлаб минерал тузлар, витаминлар органик кислоталар, пектин махсулотлари жуда зарур. Бу махсулотлар камконлик, рахит, ошкозон ва ичак касалликларини олдини олишда катта ахамиятга эга.

Боланинг 3 хафталигидан бошлаб мева, сабзавот шарбатидан 3-4 томчидан, кейинчалик, секинлик билан 50-80 мл ошириб борилади. Биринчи навбатда олма шарбати, кейин гилос. 2-чи ойдан бошлаб лимон, анор, сабзи, ертут шарбатларини бериш мумкин, помидор шарбатини 3 ойдан кейин берилади.

1,5-2 ойлигидан олма, беҳи пюреси 2-5 г, бошлаб бериш мумкин. 3-3,5 ойлигидан тухум сариги 1/5-1/4 кисмини сутга аралаштириб овкатлантиришдан олдин берилади, 4 – ойлигида бориб ½ тухум сариги бериш керак.

Творог – 4 ойлигидан, 5-10 г эмизишдан олдин, кейинчалик 20 г бир кунда берилади.

Вит Д га булган эхтёж кисман она сути ва усимлик ёғи билан копланса ҳам, рахитини олдини олиш учун болаларни 2 ойлигидан бошлаб бир кунда 500 Халкаро бирлик / МЕ/ бериб ва буни 1 ёшгача давом эттириш зарур.

Муътадил эритропозни саклаш учун, хаётнинг 3- ойлигидан бошлаб 0,1%-ли темир сульфат эритмаси, 10 мг бир кун хисобида ва 0,1% эритмаси сифатида 3-5 томчи мис бериш талаб килинади.

Кушимча овкатлантириш.

Болани усиб бориши билан бир каторда, кукрак сути коррекция килинишига карамасдан боланинг эхтиёжини кондира олмайди. Шунинг учун хато онанинг етарли сут микдори булганда ҳам 6-6,5 ойлидаги болага кушимча ва бола ютишда кийинчиликлар туғидирмаслиги керак.

Ёш усиши билан куюкрок овкатга утиш, кейинчалик болани каттик овкатга кошик ва чойнош билан овкат ейишга ургатилади.

Биринчи кушимча овкат сабзавотлардан тайёрланган бутка хисобланади. Кушимча овкатиининг хар бир тури кичик порцияларда бериб борилади ва хар 10-15 кунда купайтирилиб борилади, ва она сути билан алмаштирилади. Аралаш бутка 2-3 хил сабзавот аралашмасидан тайёрланади (картошка, сабзи, карам, кади, шалгом ва бошқалар).

Иккинчи хил кушимча овкат 7-6,5 ойлигидан бериб бошланади. Манний, гурунчли, гречкали буткалари минерал тузларга бойдир. Буткаларни тайёрлашда хар хил турдаги ермалардан аралаштириш максадга мувофик булиб, натижада буткани овкатлик киймати ошади. Буткани биринчи бор беришда 5%-ли килиб тайёрланади, кейин 8-10%ли килинади.

Овкат хазм килиш безларининг секретор активлигини ошириш учун 7,5-7 ойлик болаларга 20-30 г, гуштли ёки суякли кайнатмаси бугдой нони ёки котган нони берилади.

Боланинг 8-7,5 ойлигида 20-30 г, гушт киймаси кушилади. 8-9 ойлигида, хафтада бир марта балик пюреси, 10 ойлигида киймаланган гушт, гилак билан алмаштирилади, кейинчалик, яъни 11-12 ойлигидан бугда пиширилган, мол гушtidан тайёрланган котлет берилади.

Одатда бола 3 ёшдан кейин она кукрак сутидан ажратилади. Аста-секинлик билан (10-11) ойлигида олдин эрталабки эмизишни сигир сути билан алмаштирилади, кейинчилик кечки овкатлантиришда ҳам худди шундай сигир сути ва печенье бериб борилади.

Болани кукракдан айириш ёзда, уткир ошкозон-ичак истима билан утувчи асалликлар даврида мумкин эмас.

28- мавзу: Сунъий овкатлантириш, сут аралашмалар таснифи. Сунъий овкатлантириш коидаларига риоя килган холда таомномалар тузиш вазиятли масалалар ечиш. (4 соат)

17- маъруза: Сунъий овкатлантириш, сут аралашмалар таснифи. Сунъий овкатлантириш коидаларига риоя килган холда таомномалар тузиш вазиятли масалалар ечиш. (2 соат)

1. Талабаларига сунъий овкатлантириш буйича тушунча бериш. 2. Сунъий овкатланиш коидалари, сутли аралашмалар классификацияси. Мослаштирилган ва мослаштирилмаган, нордон ва ширин аралашмалар хакида тушунча хосил килиш.

3. Сунъий овкатланишда 10 кунгача (Зайцев, Финкенштейн), 2 хафтадан кейин (хажмий, калория) усули б/н суткалик ва бир марталик сут микдорини хисоблаб чиқишни узлаштириш.

4. Сунъий овкатланишда оксил, углевод, ёғ ва калорияга булган талабани аниклашни узлаштириш ва қабул килаётган сут аралашма турига караб таомнома тузишни урганиш.

5. Сунъий овкатланишда куйиладиган хатоларни тузатиш ва тушунча хосил килиш.

Мавзу: № 17. Сунъий ва аралаш овкатлантириш. Аралаш овкатлантириш ва сунъий овкатлантиришда сутли аралашмалар классификацияси. Аралаш ва сунъий овкатлантириш коидалари

Сунъий овкатлантириш деб, шундай овкатланишга айтиладики, бунда бола хаётнинг биринчи йилида факатгина сунъий аралашма билан овкатланади ва она сутини олмайди ёки кунлик овкат хажмининг 1/5 кисмидан камрогини ташкил килади.

Хозирги пайтда хамма жахон мамлакатларида, шу жумладан бизнинг мамлакатимизда болаларни янги тугулган давридан бошлаб сунъий овкатлантириш проценти чексиз ошиб борапти, болаларни тугма паталогияси, чала тугилган болалар сони усапти, болаларни рационал овкатлантиришини ташкил килишда, уларни махсус овкат махсулотларидан фойдаланишини таъминлай олапти.

Бу даврда саноатда ишлаб чикарадиган болаларни овкат махсулотларини ривожлантириш ва яратиш, болаларни тулик талабини кондиритиш давлат олдида турган мухим вазифа хисобланади.

Она суги шундай яхши хусусиятларга эгаки, шунинг учун унинг урнини босувчи махсулот ишлаб чикариш юкори жавобгар вазифадир.

Купрок таркалган /95 % ва ундан купрок/ болалар сунъий овкати тайёрлаш асосан саноат микёсида сигир сугидан олинадиган, шунинг учун унга куйдаги талаблар куйилади : Унинг таркибида 35 г/л ёг, 40-45 г/л канд, кислоталиги Тернер буйича 20-дан ошмаслиги, 35 г/л курук колдик булиши керак. Бактериялар умумий микдори 1мл да 50.000 ичак таёкчалари 1:10 титрдан ошмаслиги кеак.Патоген микроблар булмаслиги лозим.

Она суги шундай яхши хусусиятларга эгаки, шунинг учун унинг урнини босувчи махсулот ишлаб чикариш юкори жавобгарлик вазифадир.

Купрок таркалган (95: .ва ундан купрок)болалар сунъий овкати тайёрлаш асосан саноат микёсида сигир сугидан олинадиган, шунинг учун унга куйдаги талаблар дсуйилади: унинг таркибида 35 г/л ёг, 40-45 г/л канд, кислоталиги Тернер буйича 20 дан ошмаслиги, 85 г/л курук колдик булиши керак. Бактериялар умумий микдори 1мл да 50.000, ичак таёкчалари 1:10 титрдан ошмаслиги керак. Патоген микроблар булмаслиги лозим.

Хозирги вақтда фойдаланиладиган сунъий овкатлантириш 2 гуруҳга булинади:

- 1 .Мослаштирилган
- 2 .Мое л аштирилмаган

Бу гуруҳлар яна 2 га булинади: А-ширин, Б-нордон аралашмалар суги махсулотлари, кайсики организм метаболизмига нисбатан ва ичаклар махаллий имунитети холати учун мухим ахамиятга эга.

Мослаштирилмаган аралашмалар сигир сугини суюлтириш йули билан тайёрланади, бу она сугидан сифати буйича фарк килади. Акинча мослаштирилган аралашмалар таркибида оксиген кайта ишланган ва яримтуйинмаган ёг кислоталар, витаминлар, минерал тузлар кушилган булиб, таркиби жихатидан курак сугига якин туради. Мослаштирилмаган:

А-ширин: №2 аралашма (Б), №3 аралашма (В), янги ва курук суги, Крепыш, Здоровье

Б-нордон: катик ва унинг суюлтирилгани (Б ва В катиги), ацидофилли суги, Биоллакт, Нарин& Балдырган. Мослаштирилган:

А-ширин: Детолакт, Малыш, Малютка, Витолакт, новоллакт-1-2, Ладушка, Аистенок, Семиллакт, Бебимикс, Крошечка, Молочко ва б.

Б-нордон: ацидофилли Малютка ва Малыш, Балбобек, Бифиллин, Бифиллакт, нордон суги Витолакт, Новоллакт-ММ, Пренилти, Роболлакт чала тугилган болалар учун махсус чикарилган.

Мослашмаган суги аралашмалари тайёрлашда сигир суги хар хил ёрмалар (арпа, гуруч, гречка) кайнатмасы билан суюлтирилади (1:1, 2:1) ва унга 5% канд аралашмасы кушилади, булар суги ошхоналарида тайёрланади.

Хозирги вақтда саноатда курук аралашмалар "Крепыш", "Здоровье" ишлаб чикиляпти, булар тула кийматли деб хисобланмайди. Уларнинг таркибида углевод ва кальций куп, темир, витаминлар А, Д, Е, С, В, ёглар кам микдорда. Бу махсулотлардаги ингридиентлар усаётган боланинг эхтиёжини кондиролмайди. Шунинг учун бу аралашмалар киска вақтда берилиши мумкин.

Нордон аралашмалар суги махсулотлари сигир сугини нордон суги бактериялари билан ачититиш йули билан олинадиган. Бу махсулотларни тайёрлаш жараёнида уларда ферментлар тупланади. Улар меъда шираси секрециясини кучайтиради, суги оксилларини сузмалаштиради ва шу билан овкат хазм килишни яхшилаиди.

Нордон аралашмалар суги махсулотларининг жуда бебахо хусусияти шундаки, ичакда ачитит жараёнини сусайтиради, касаллик чакирувчи микробларнинг ривожланишини чеклаб куяди.

1970 йилдан бошлаб 1 ёшгача булган болаларни сунъий овкатлантириш учун биринчи мослашган курук суги махсулотлари ишлаб чикарила бошлади. Бу аралашмалардан "Малютка" ва "Малыш" педиатрияда муваффакият билан кулланиб келинмокда. "Малютка" ва "Малыш" аралашмасы хушбуй хидга эга булган порошок моддадир. Сугини оксиген махсус ишлов бериш (вакуум усулида куритиш, гомогенлаштириш) йули билан ва тозаланган усимлик мойи, А, Д, Е, С, РР, В6 витаминлар, темир глицерофосфати, декстрин мальтозасы калий ва натрий гидратларини кушиб тайёрланади.

"Малыш" аралашмасы болани 1-2 ойлигигача ва шу билан бирга чала тугилган болаларга хам буюрилади. Бу аралашма истеъмол килинганда мева шарбатлари, пюрелар, кушимча овкатлар одатдаги вақтларда тавсия килинади. Кушимча ёглар, Д витамини берилмайди.

1980 йилдан бошлаб Балта шахрида, Одесса вилоятида янги мослаштирилган курук суги аралашмасы "Детолакт" ишлаб чикарила бошлади. У Америка фирмаларини лицензиясига кура "Семиллакт"га ухшаш аралашмадир. Бу аралашма таркиби жихатидан она сугига якин булиб, гидролизланган оксиген, маккажухори ва кокос ёги, темир тузлари ва витаминлар билан бойитилган.

Аралашма овкатлантиришдан олдида тайёрланади, курсатилган микдори 37-38 С даги кайнатилган сувга аралаштирилади. Бу аралашма янги тугилган чакалокларга хам тавсия килинади. Бу аралашмада етарли микдорда Д витамини бор, шунинг учун кушимча равишда бу витамин берилмайди. Мева шарбати ва кушимча овкатлар уз вақтида бериллади.

Сибай шахрида Бошкиргистон давлатида энпитлар ишлаб чиқарила бошлади. Энпитлар гипотрофияда, камконликда, сурункали ошқозон-ичак касалликларида, зотилжам, хомиладор, эмизикли оналарга, буйрак касалликларида тавсия қилинади.

Энпитлар юкори биологик хусусиятга эга, яхши сурилади. Улар истеъмол қилинганда организмнинг иммунобиология каршилиги ошади, эритропоз мутадилашади, гемоглобин микдори ошади, тана огирлиги купади.

Бизнинг саноатимизда чиқарилаётган мослаштирилган сутли аралашмалар етукликдан узокда. Болалар курук овкатли махсулотларида жиддий камчиликлар бор. "Малютка", "Малыш", "Детоллакт", "Витоллакт" аралашмалари катор параметрлар буйича хозирги замон талабига жавоб бермайди, она сутини урнини босиши ва сифат жихатдан чет эл махсулотларидан оркададир.

Хозирги вақтда мослаштирилган аралашмаларни юкори сифатли кайта ишлаш тугалланди ва бу аралашмалар "иккинчи авлод" деб номланди. Бу курук сутли аралашмаларга "Ладушка", нордон аралашмали сут махсулотлари "Витоллакт" (Украина), "Новоллакт-1-2-ММ" чала тугилган болалар учун (Москва), мослаштирилган "Биоллакт" (Киргизистон).

Бу аралашмалар оксил, минерал ва витаминлар, гемопозитик факторлар билан бойитилган. Она сутига якинлаштириш учун сигир сутти оксили зардоб оксилларига алмаштирилган.

Мослаштирилган сутли аралашмалар химоя омиллари билан бойитилган, бу турларни ишлаб чиқариш болалар дистологиясининг янги даври хисобланади. Буларга ацидофилли аралашма "Малютка"-лизосим билан бойитилган, "Бифиллин"- "Биоллакт"нинг лизосим билан бойитилгани, "Бифиллакт"-бифидобактерия сакловчи аралашма, мослаштирилган аралашма "Балбобек"-лизосим ва нордон аралашмали сут бактерия штаммлари бирга. Бу аралашмалар микробларга карши активликка эга.

Хозирги замон болалар соглигини саклашнинг амалий йуналишларидан бири болалар аралашмасини биологик актив кушимчалар билан тулдиришдир. Курук биологик актив кушимчаларнинг 3 та варианты ишлаб чиқилган:

- 1.табий химоя фактори - лизосим (БАД-1л)
- 2.бифидобактериялар - (БАД-1Б)
- 3.комплекс - (БАД-2)

Курсатилган кушимчалар сог ва касал болалар овкатланишида кулланилади, яъни лизосим камчилигида, ичак микрофлорасини нормаллаштириш мақсадида, донор сутига ва суюлтирилган курук сут аралашмаларини бойитиш учун кулланилади.

Сунъий овкатлантириш коңдалари1. Болани сунъий овкатлантиришда туйиб овкатлантирмаслик ва туйиб овкатлантириш мумкин. Шунинг учун овкатлантириш узгартирилганда систематик равишда овкатларни энергетик кийматини, оксил, ёг, углеводларни хисоблаб бориш зарур.

2. Сунъий овкатлантиришда озик моддаларнинг хажмиб табий овкатлантиришдаги озик моддалар хажмига тенг булиши шарт.

3. Сунъий овкатлантиришда боланинг каллорияга, оксил, ёг, углеводларга булган эхтиёжи бола кабул қилаётган сунъий аралашмаларга боглиқдир.

Мослаштирилган аралашмалардан фойдаланилганда боланинг каллорияга эхтиёжи табий овкатлантирилгандагидек сакланиб қолади. Биринчи ярим йилда - 503 кЖ/кг Иккинчи ярим йилда - 481 кЖ/кг Оксил - 3,0 г/кг

Ёг: биринчи ярим йилда - 6,5 г/кг иккинчи ярим йилда - 5,5 г/кг Углеводлар 13-15 г/кг
Ингредиентлар нисбати 1:2:4, кушимча Д витамини берилмайди.

Агар бола мослаштирилмаган сут аралашмаси билан овкатлантирилса, бунда талаб узгаради. Бунда оксилга эхтиёж 4 г/кг, ёгга, углеводга булган талаб эса узгармайди. Коррекция учун 2-ярим йилликдан бошлаб овкатлантириш рационига кунига 0,6 г/кг микдорда усимлик мойи киритиш зарур, 2-хафтасидан бошлаб шарбатлар, 1,5 ойдан мева пюрелари бериледи.

Сунъий овкатлантиришда озик куп вақт ошқозонда сакланади, шунинг учун 2 ойлик болаларни овкатлантириш орасидаги вақт 3 соат булиб, кунига 7 марта, 6 соат тунги танаффус. 2-4 ойда - 3,5 соат, 6 марта, 6,5 соат тунги танаффус. 4-12 ойда - 4 соат, 5 марта, 8 соат тунги танаффус бериш лозим.

Сунъий овкатлантиришда куп учрайдиган хатолар

1.Асосан биринчи 3 ойлик болаларни маълум бир озикка мослаштириш лозим, сутли аралашмаларни тез-тез асоссиз узгартириш узилишга олиб келади.

2.Ахлатда сезиларли узгариш булганда озик модда чекланади ва бошка янги аралашмага утилади.

3.Тана огирлиги бир хил озак модда берганда ошиб кетса, берилаётган озикнинг ингредиентларини хисоблаш ва керакли сифатий хамда микдорий узгартиришлар киритиш шарт.

4.Болани узига хос хусусиятларини ва уни ураб турган ташки мухит шароитларини инкор қилиш.

Бир ёшли болаларни озикланишида консервланган махсулотларини ишлатиш.

Махсулотларини сифати ва ассортименти мавсумий таркибини узгариши туфайли асосан косервланган мева ва сабзавот махсулотлари муайян солиштирма огирликни эгаллайди. Буларга куйидагилар киради: мева шарбатлари, сабзавот ва мева пюрелари, гуштли, баликли махсулотлар, гушт-ёрмали буткалар, товук гушти ва бошқалар.

Болалар озикланишида консервланган махсулотлар ёрдами маълум, лекин шу билан биргаликда озик моддаларни технологик кайта ишлаш натижасида махсулотларнинг биологик ва сифат бахоси пасаяди. Бу айниқса витаминлар, аминокислоталар таркибига тегишли, бу уз урнида усувчи организм учун катта ахамиятга эга.

Мева ва сабзавотлар консервларини болаларга тавсил етилганда ундаги аскабин кислотаси, никатин кислотаси, пиридаксин, каратин састави янги мевалардан фарк қилсада, удар болаларни ривожланишига асосий озика махсулотлар хисобланади. Янги махсулотларни сифатий киймати уларни тайёрлаш техникасига хам боглиқдир.

Аскорбин кислотаси янги олмаларни тайёрлашда темир идишлар, юкори температурада, пучоги тозаланганда тулалигича бузилади.

Натурал ва консервланган махсулотларни микроскопик таккослашда гомогенлаштирилган гушт, ошхоналарда шу овкатлардан мушак толаларининг бир хиллиги ва крахмал доналарининг хужайралардан ташкари жойлашиши билан фарк килиб, овкат хазм булишини енгиллаштиради.

Гомогенлаштирилган консервалар болаларга бир ёшлигидан бериш тавсия этилади. 6 ойлигидан эзилган, кирилган, 9 ойлигидан каттарок майдаланган озик моддалар берилади.

Озикланиш учун тайёрланадиган консерваларни тайёрлашда хул мева ва сабзавотлар буткалари хона температурасигача иситилади. Гушт-сабзавотли ва гуштли буткалар 37-38 С гача иситилади.

Аралаш овкатлантириш

Бу овкатлантириш турида чакалокка она сути билан биргаликда бошка сут аралашмалари хам берилади, чунки бу ёшда кушимча овкат бериш мумкин эмас.

Аралаш овкатлантиришни яхши ва тугри олиб бориш купинча туйдирадиган овкатнинг микдорига боглик булади. Агар она сути 2/3, 4>1& овкатланиш хажмини ташкил килса унда овкатланиш табиий овкатланишга якинлашади, агар 1/3 нисбатни ташкил килса, унда овкатланиш сунъий турга якин булади.

Аралаш овкатлантиришга утказиш керак буладиган ҳолатлар

1. Гипогалактия - яъни она сути етишмаслиги ёки онанинг касаллиги туфайли эмизиш сонини камайтириш керак булганда.

2. Социал-таъминот фактори - иш ёки бошка сабаб натижасида она уйдан кетганда.

3. Патологик ҳолатлар - эритродермия, огир ва кайталанувчи экссудатив диатез ва б.

Оч қолишнинг клиник белгилари

1. Огирликнинг камайиши

2. Бездовталиқ

3. Камсийиш

4. Ич қотиши ёки кетиши

Бунда контроль текшириш утказиш керак, яъни болани эмизидан олдин ва кейин огирлигини улчаш лозим.

Аралаш овкатлантиришда болани озик ингридиентларига, оксил, ёғ, углевод, витаминларга эҳтиёжини қондирдиган сутли аралашма хилига аҳамият бериш лозим.

Агар мослаштирилган сутли аралашмалар қулланса, эҳтиёж табиий овкатлантиришда қандай булса шундай қолади. Мослаштирилмаган аралашмалар қулланилганда овкатланиш калорияси табиий овкатланишга нисбатан 10% га қуп булиши керак.

Оксиллар микдори қунлик рационда туйдирадиган сутли аралашма микдорига боглик булади. Агар бола туйдирадиган сутли аралашмани

1/3 нисбатда олса унда оксил 3 г/кг

1/2 нисбатда олса унда оксил 3,5 г/кг

2/3 нисбатда олса унда оксил 4,0 г/кг

Ёғ ва углевод микдори табиий овкатлантиришда қандай булса шундайлигича қолади.

Аралаш мослаштирилган овкатлантиришда кушимча овкат ва витаминлар сунъий овкатлантиришдагидек булади, агар мослаштирилмаган сутли аралашма берилса кушимча овкатлар 2 ҳафта олдин ва рахит касаллигини олдини олиш учун Д витамини берилади.

Эркин овкатлантириш

Сут микдорини урганишда утказилган қузатишлар боланинг она сути билан озикланишида ҳар эмизидда ҳар хилсут микдорини эмади. Шунинг учун шартли равишда соат буйича овкатлантириш маъқулдир.

Овкатлантириш методлари

1-гуруҳ. Бунда овкатлантириш ҳеч қандай чегарасиз ҳолда қулланилади. Бола сутли аралашмани қачон, қанча, қайси аралашмани ейишини узи танлайди.

2-гуруҳ. Шифокор овкат микдорини белгилайди, бола эса қачон ва неча марта ейишини танлайди.

3-гуруҳ. Боланинг узи овкат микдорини белгилайди, лекин овкатланиш сони ва хили чегараланади.

4-гуруҳ. Қисман эркин овкатланишда овкатланиш сони аниқланган, овкат микдори эса бола хоҳиши билан, лекин чегараланган ҳолда булади.

Эркин овкатлантириладиган болаларни қузатганда шуни қурсатдики, қаттиқ назоратли овкатлантиришга Қараганда, уларнинг усиши, огирлигини ошиши яхши борган.

Қисман эркин овкатлантиришда 20-3 0мл сутли аралашма қуп қуйилади, аммо овкат нисбий чегараланган вақтларда берилади (30 минут атрофида). Агар бола унга берилган сутли аралашмани ёки кушимча овкатни бутун хажмини ея олмаса, уни мажбурламайдиларю

Лекин эркин овкатлантириш, назоратли овкатлантиришдан устин туриши билан бир қаторда, ота-оналар, тиббиёт ходимларини тартибсизлигидан қатор ҳатоларга йул қуйиш мумкиню

Болани безовталиги факаткина қорни очлигида эмас, балки нотугри парваришда, ошқозон-ичак қасалликларида ва бошка ҳолатларда булиши мумкин.

Шунинг учун эркин овкатлантиришга рухсат бериш факатгина тажрибали ота-оналар ва тиббиёт ходимларини қаттиқ назорати остида рухсат бериш мумкин.

18- маъруза: Бир ёшдан катта болаларни рационал овқатлантиришнинг замонавий тамойиллари. Бир ёшдан ошган болаларни рационал овқатлантиришда таомномалар тузиш вазиятли масалалар ечиш, оксил, ёғ, углевод ва калорияга булган ехтиёжини ҳисоблаш. (2 соат)

1. Бир ёшдан катта болаларни рационал овқатлантиришнинг замонавий тамойиллари.
2. Бир ёшдан ошган болаларни рационал овқатлантиришда таомномалар тузиш.
3. Вазиятли масалалар ечиш, оксил ёғ углевод ва калорияга булган ехтиёжини ҳисоблаш.
4. Катта ёшдаги болаларни овқатланишда кундалик режа тузиш ва тавсиялар бериш.

Катта ёшдаги болаларни рационал овқатлантиришда гуштли сабзавот ва кукатларни киритиш афзалликларини узлаштириш

Бола ҳаётининг биринчи йилида тўғри овқатланиши унинг кейинги ривожланиш давридаги овқатланишини ташкил этишни осонлаштирувчи асосий омилдир. Боланинг 1 ёшдан 3 ёшгача овқатланиши катта ёшдагилар овқатланишига ўтишига хизмат қилади.

Овқат ҳазм қилишда барча ҳазм безлари қатнашиб, қизилўнғач, ошқозон, ичаклар деворининг барча қаватларини қамраб олади.

Бир ёшли бола ошқозоннинг сиғими 250 мл, аста-секин ошиб бориб 3 ёшда 300-400 мл ни ташкил этади. Ошқозоннинг бўшалиши ўртача 4 соат бўлади.

Қоидага биноан 1 ёшда 8 та тиши бўлган бола чайнов ҳаракатларини бажаради, 2,5 ёшда тишилари сони 12 тага етади. Жигар ва ошқозон ости безининг шаклланиши 5-10 ёшда тугалланади.

Шундай қилиб бу ёшда боланинг ҳазм аъзолари тўла-тўқис ўз функциясини бажара олмайди, шунинг учун бу ёшда бериладиган овқат махсулотлари қаттиқ назорат остида бўлиши керак. 1-1,5 ёшгача бўлган болалар овқатининг механик майдаланганлик даражаси жуда катта бўлмаслиги, асосий масса бўлақларининг ўлчами 2-3 мм бўлиши лозим. Димланган қовурдоқ, пудинг, суфле, пюре бўтқасимон консистенцияда бўлиши керак. 1,5 ёшдан катта болаларда жағ илдиз тишларининг пайдо бўлиши билан актив чайнов ҳаракатлари бўлади, шу сабабли гўшти рагу, гуляш ва сабзавотларни катта ёшли кишиларники каби бўлақчалар холида истеъмол қилинади.

1-3 ёшгача бўлган болаларда асосий озиқ моддаларга ва энергияга бўлган эхтиёж нисбатан юқори бўлиб, тана массасининг ошиши давом этади, энергия сарфи ва асосий алмашинув юқори бўлади. Бир кунлик энергия сарфи 1200-1540 ккал бўлади.

1,5 ёшгача бўлган болалар 5 марта, 1,5 ёшдан катта болалар 4 марта овқатлантирилади. Оксил 1 кг массага 4 г, ёғ 4 г, углевод 15-16 г бўлиши керак.

Овқат ингредиентларининг кунлик миқдори

Оксиллар-53 г, шундан ҳайвон оксиллари-37 г Ёғлар-53 г, шундан ўсимлик мойи-10 г Углеводлар-212 г Витаминлар:

тиамин, рибофлавин, пиридоксин-0,8-0,9 мг
аскорбин кислотаси-45 мг
ретинол-450 мкг Минерал тузлар:
Са ва Р-800 мг,
Mg -150 мг,
Fe-10 мг

Овқатларни энергиясини кунлик қийматини тақсимлаш

	1,5 ёшгача	1,5-3 ёшда
Нонушта (1чи)	20%	25%
Нонушта (2чи)	10-15%	-
Тушлик	30-35%	35-40%
Ярим кунлик	10-15%	10-15%
Кечки овқат	20%	25%

Ёшига қараб овқат ҳажми

1-1,5	1000-1100 мл
1,5-3	1200-1500 мл
3-5	1400-1500 мл
5-7	1600-1800 мл
7-11	2000-2200 мл
11-14	2300-2500 мл

Бир ёшдан уч ёшгача бўлган болаларнинг кунлик рациониди ҳайвон ёғининг миқдори 75%, 4-6 ёшда 65%, 7 ёшдан катта болаларда 50% ташқил қилиши керак. Болаларга бериладиган овқатлар хилма-хиллиги учун кам миқдордалигига қарамасдан унинг оксил, ёғ ва углеводга бўлган эҳтиёжини қоплайди. Шунинг учун ҳам уларнинг рациониди қуйидаги компонентлар кўп бўлган маҳсулотлар бўлиши керак: мой: ўсимлик, соя, маккажўхори бир кунда 5-10 г гўшт: қўй, от, қорамол, парранда, балиқ ёрмалар: гречка, манний, гуруч, буғдой, нўхот, фасол, сабзавотлар, кўкатлар мевалартило, анжир, шафтоли, қовун, тарвуз Органик кислоталар (олма кислотаси, лимон кислотаси) мева ва сабзавотлар таркибиди бўлиб, нафас тўқимасининг катализатори, ошқозонда хлорид кислота ишлаб чиқилишини кучайтиради. Шунинг учун баҳор ва қиш вақтларида болаларга мева ва сабзавотлар консерваларини бериш тавсия этилади.

Бир ёшдан катта болаларни овқатлантиришни тўғри ташкиллаштириш учун қуйидаги қондаларга амал қилинади:

- 1.Овқатларни бирин-кетин, аниқ миқдорда, бошида кичик, кейин катта бўлакчаларда берила бошлайди.
- 2.Ҳар қандай янги овқат фақат она томонидан берилиши шарт.
- 3.Бир кунда фақат битта янги овқат берилиши керак.
- 4.Болани фақат битта идишда овқатлантириш зарур.
- 5.Янги маҳсулотни бола соғлом ва оч пайтида бериш керак.

Боланинг иштахасини уйғотиш учун қуйидаги кўкатларни ишлатиш керак: петрушка, равоч, саримсоқ пиёз, шивит, арпабодён ва б.

Болаларнинг минерал моддаларга бўлган эҳтиёжи

Кальций - организмга озиқ-овқатлар билан тушади. Агар овқатда оксил ва ёғ миқдори кўп бўлса кальций алмашинуви бузилади. Суткалик эҳтиёж 1-1,5 г.

Кальций бирикмалари сут ва сут маҳсулотларида, айниқса пишлоқда кўп бўлади.

Фосфор - суткалик эҳтиёж 1-2 г. Асосан ҳайвон маҳсулотлари таркибиди бўлади: гўшт, балиқ, сут, тухум сариғи.

Магний - ўсимлик маҳсулотларида учрайди. Эҳтиёж 1 кг оғирликка 1 кунда 12-13 мг.

Темир - гемоглобин ҳосил бўлишида катта аҳамиятга эга. Эҳтиёж 0,6-1 мг/кг. Жигарда, тил гўштида, олмада, тарикда, қора нонда, фасолда, ловияда кўп бўлади.

Мис - гемоглобин ҳосил бўлишида қатнашади, унга суткалик эҳтиёж 0,1 мг/кг.

Кобальт - кам ўрганилган, эҳтиёж 80-10 мкг/кг.

Марганец - чойда, сабзавотларда, ўсимлик маҳсулотларида учрайди. Унга суткалик эҳтиёж 0,2-0,3 мг/кг

Цинк - суткалик эҳтиёж уртача 0,3 мг/кг

Иод - Қалқонсимон без функцияси учун зарур. Эҳтиёжи бола ҳаётининг биринчи ярим йилларида 22-24 мг/кг.

Фтор - эҳтиёж аниқланмаган. Фтор тиш эмалининг тузилиши учун зарур.

Бир ёшдан катта бўлган болаларни овқатлантиришда ишлатиладиган маҳсулотлар

Сут ва сут маҳсулотлари.

Ёш болаларни овқатлантиришда сут муҳим ва алмаштириб бўлмайдиган маҳсулот ҳисобланади. У натурал ҳолда, қатиқ, ацидофилин ҳолида қўлланилади. Сут оксили алмашинувайдиган аминокислоталарга: лизин, валин, метионин, лейцин ва аргининга бой ҳисобланади.

Сигир сутининг ёғи юпқа эмульцияни ташкил этиб енгил ҳазм бўлади. Сутнинг таркибиди сут шакари - лактаза минерал тузларга бой, асосан кальций ва фосфорга.

Ёш болаларнинг овқатланишида нордон сут маҳсулотлари кенг қўлланилади. Улар бактерицид хоссага эга ва ичакларда йирингли процесслар ривожланишига йўл қўймайди, унда В6 ва В12 витаминлари кўп.

Сут маҳсулотлари орасида витаминлаштирилган сут, яъни кальциферол билан бойитилган сут маҳсулотларига алоҳида аҳамият бериш керак. Витаминлаштирилган сут кичик ёшдаги болаларнинг ўсиши учун ва рахит касаллиги олдини олиш мақсадида қўлланилади.

1-3 ёшгача бўлган болаларнинг сут ва сут маҳсулотлари бўлган суткалик эҳтиёжи 650 мл ни ташкил этади.

Ёш болалар овқатланишида творог муҳим маҳсулот бўлиб ҳисобланади, унинг таркибиди кўп миқдорда алмашинувайдиган аминокислоталар, айниқса метионин ўсаётган организм учун муҳимдир. Творогда кўп миқдорда кальций, калий ва фосфор тузлари бор, улар ўсаётган бола учун зарур маҳсулотдир.

Юқори оксилли сут маҳсулотларига пишлоқ, қаймоқ ва сузма киради. Пишлоқни кириб бериш, қаймоқни шўрвага ва салатларга, сузмани бўтқаларга ва сабзавотлар пюресига солиб бериш керак.

Гўшт ва гўшт маҳсулотлари.

Гўшт оқсилга бой махсулот бўлиб ҳисобланади. Гўшт фосфор, калий, натрий, магний, кальцийга ва В гуруҳ витаминларига бой. Унинг миқдори 1,5 ёш болалар учун 50 г, 1,5-3 ёшгача 70 г ташкил этади.

Ёш болалар овқатида кам ёғли қорамол гўшти, танача гўшти, жўжа ва қуён гўшти ишлатилади. Энг кўп қўлланиладиган юқори қийматли махсулотга жигар киради. Унда А, Д, В гуруҳ витаминлари, кальций, темир микроэлементлари кўп.

Болаларга 1,5-2 ёшдан ҳасиб махсулотларидан сосиска ва қайнатилган ҳасиб бериш мумкин.

Балиқ ва балиқ махсулотлари.

Балиқдаги оқсиллар енгил ҳазм бўлади ва сўрилади. Балиқ ёғлари таркибида А, Д витамини, биологик актив ярим тўйинмаган кислоталар ва фосфатидлар бор. То 1,5 ёшгача балиқ миқдори 20 г, 1,5-3 ёшгача 25 г. Уч ёшгача бўлган болаларга ёғсиз балиқ турлари (треска, хек, судак, окунь) тавсия қилинади.

Тухум.

Муҳим махсулот ҳисобланади. Ўртача кунлик миқдори 25 г. Товуқ тухуми оқсидаги аминокислоталар бола организмга оптимал ҳисобланади. Тухум сариғида ёғ, лецитин, фосфор, темир, мис, йод тузлари ва А, Д, В, В6, Е витаминлари кўп.

Қайнатиб пиширилган тухум ҳам тухумга қараганда енгил ҳазм бўлади, шунингдек ҳам тухумда микроорганизмлар бўлиши мумкин, шунинг учун ёш болаларга тавсия этилмайди.

Нон ва нон махсулотлари.

Болалар нонни ҳар куни кундалик махсулот сифатида истеъмол қилишади. Нон ўсимлик оқсилларига, углеводларга, микроэлементларга ва В гуруҳдаги витаминларга бой.

Болалар истеъмол қилиши учун буғдой ва қора нон тавсия этилади. Қора нон таркибида кўп миқдорда клетчатка бўлиб ҳазм қилиш жараёнини мўтадиллаштиради. Шунингдек қора нон таркибида алмаштирилмайдиган лизин аминокислотаси кўп бўлганлиги сабабли буғдой нонидан биологик қиймати устундир.

Болаларни овқатлантиришда нон махсулотларидан печенье, қоқ нон, кулчалардан фойдаланилади. Буғдой нонини кунлик миқдори 50-60 г, қора нон 10 г ни ташкил этади.

Ермалар ва макарон махсулотлари.

Ёрмалардан манний, гречка, гуруч, арпа ишлатилади, уларда ўсимлик оқсили ва углеводлар кўп. Ёш болаларда кўпинча манний ёрмаси қўлланилади. Унда оқсил ва темир моддаси кўп, енгил ҳазм бўлади ва сўрилади.

Арпа ёрмаси, асосан "Геркулес" да кўп миқдорда ўсимлик оқсиллари, калий, кальций, фосфор, минерал тузлар ва В гуруҳдаги витаминлар бор. Бу ёрма яхши ҳазм бўлади ва ичаклар перистальтикасини кучайтиради.

Гречка ёрмасида оқсиллар кўп, аминокислоталар нисбати мўтадил, унда лецитин, темир ва фосфор бор.

Гуруч ёрмасида оқсил, клетчатка кам, крахмал кўп. У юқори қийматли бўлиб, таъми яхши, енгил ҳазм бўлади.

Буғдой ёрмаси ҳазм бўлиши қийинлиги ва таркибида енгил оксидланувчи ёғлар бўлганлиги сабабли ёш болаларга берилмайди.

Минерал тузлар, витаминлар, оқсиллар кўплиги сабабли болалар овқатланишида кўпроқ фасол, нухот, ловпя, мош қўлланилади.

Мева ва сабзавотлар.

Сабзавотлар, кўкатлар, картошка, мевалар болалар овқатининг асосини ташкил қилади. Сабзавотларда кўп миқдорда минерал тузлар, витаминлар ва балластлар борки, улар ошқозон-ичак йуллари ҳаракатини кучайтиради. Сабзавотлар ассортименти хилма-хил бўлиши керак: сабзи, шолғом, қарам, кади, қабачка, бодринг, помидор, баклажон ва б.

Кўкатлар: кўк пиёз, петрушка, шивит, арпабодён, пудина, откулоқ ва б.лар витаминларга ва микроэлементларга бой.

Мевалар янги узилган бўлиши макул, компотлар ва шарбатлар тайёрлашда уларга янгидан тайерланган мева сувлари қўшиш лозим. Қуруқ мевалардан тайерланган компотларга олволи, гилос, лимон, апельсин, нок ва бошқа шарбатларни қўшиш тавсия қилинади.

Боланинг мева ва сабзавотларга кунлик эҳтиёжи 150-200 г.

Шакар ва кондитер махсулотлари.

Шакар соф углевод ҳисобланади ва организмда яхши ҳазм бўлади. Сутга, меваларга, тухум сариғига шакар қўшганда, уларнинг ҳазм бўлиши енгиллашади.

Шакарнинг асосий истеъмол махсулоти асал ҳисобланади. Унинг таркибида углеводлар, минерал моддалар, витаминлар, органик кислоталар ва ферментлар бор.

Кейинги йилларда болалар таомномасида шакар махсулотларини камайтириш тўғрисида баёлотлар кўпаймоқда, бунинг бир томондан болалар тишларини кариесининг кўпайиши, иккинчи томондан юқори гликемия ошқозон ости безининг инкретор аппаратини фаолиятини шикастлайди деб асослашади.

Боланинг шакарга кунлик эҳтиёжи 1-1,5 ёшда 40 г, 1,5-3 ёшда 60 г.

Ёғ махсулотлари.

Ёғ махсулотларидан болаларга тавсия этиладигани сарик ёғ ҳисобланади, у осон ҳазм бўлади ва сўрилади. Хайвон ёғлари таркибида А, Д витаминлари мавжуд.

Сарик ёғ юқори температурада ишлатилганда у ўзининг бир қанча хусусиятларини йўқотади. Шунинг учун уни соф ҳолда нонга ёки тайёр овқатга солиш тавсия этилади.

Ўсимлик ёғларининг катта аҳамияти бор, уларда тўйинмаган ёғ кислоталари (линолен, линол, арахидон) бор. Бу тўйинмаган ёғ кислоталари катта биологик активликка эга, ҳамда унда Е, К витаминлари ва фосфатидлар бор. Қийин эрувчи маргарин болаларга берилмайди.

Ҳозирги даврда сарик ёғни ярим тўйинмаган ёғ кислоталари билан бойитиб "Здоровье" ёғи олинган. Бу мойда 80-85% ёғ, шундан 35-40% ўсимлик ёғи, 65% сут ёғлари ва кўп миқдорда линолен кислотаси бор. Унинг юқори биологик қиймати ва яхши таъмга эга бўлганлигидан у ёш болалар овқатланишига зарурдир.

Болани ёғга кундалик эҳтиёжи 15 г.

Бола овқатланишида тўғри режим тузиш катта рол ўйнайди. Овқатланишда эрталаб ва кечки 25% дан, тушликда 35%, яримкунлик 15% кунлик калориясини ташкил қилганда тўғри келади.

Бундай овқатлантириш тартибида болаларга бериладиган таомлар бир кунда хилма-хиллигига эътибор бериш лозим. Оқсил кўп таомлар (гўшт, балиқ, тухум) куннинг биринчи ярмида- нонушта ва тушликда, кечки таомларга ёрмалар, мева сабзавотлар, сутли таомлар бўлиши лозим.

Иккинчи таомнинг гарнири сабзавотлар, картошкадан, уларга бодринг, помидор, карам қўшганда лаззатли бўлади.

Овқатланиш давомийлигига ҳам эътибор бериш лозим. Нонушта ва кечки овқатланиш 15-20 мин, тушлик 20-25 мин, кечки овқатланиш уйқудан 1,5-2 соат олдин бўлиши лозим.

Болани овқатланишга қизиқишини уйғотиш керак, бунда уни иштаҳаси очилади, ошқозон-ичак ширалари ажралиши кучаяди, овқат яхши ва тўла ҳазм бўлади.

Болалар таомномасида горчица, қалампир, мурч, соуслар, кофе ва аччиқ чой бўлмаслиги лозим.

Узок йиллар давомидаги кузатишлар шуни кўрсатдики, мактабгача бўлган болаларни жисмоний, асаб-рухий ривожланишидаги юқори кўрсаткичлар оқсил, ёғ, углеводларнинг 1 кг тана оғирлигига нисбатан қуйидагича бўлганда кузатилади **1:1:4** (оқсил-68 г, ёғ-68 г, углевод-272 г, 1970 ккал).

Кунлик таомлар ичида энг аҳамиятлиси сут ва нордон сут махсулотлари бўлиб, умумий миқдори 500 мл ни ташкил этади.

Мактабгача бўлган болаларнинг оқсил олиш манбаи гўшти махсулотлар ҳисобланади. Шунинг учун рационда мол, товуқ, куён гўшти бўлиши керак, шу билан бир қаторда болалар гўшти консерваларини ишлатиш мумкин. Гўштининг бир кунлик нормаси 100 г.

Болаларни овқатлантиришда балиқлар тавсия қилинади, улар ретинол, кальциферол ва фосфорга бойдир. Бир кунлик нормаси 50 г.

Нон ва нон махсулотларидан "Октябренок" булочкаси аминокислоталар таркиби билан рационга зарурдир. Бир кунлик нормаси бугдой нони 110 г, қора нон 60 г.

Кондитер махсулотларидан зефир, мураббо, маккажўхори қаламчалари, қандолатлар, мева халволари ва асал зарурдир.

Ёрмалар ва макарон махсулотлари углевод манбаи асоси ҳисобланади. Гуруч, манний ва гречка ёрмалари қўлланилади. 5-7 ёшдан бошлаб ошқозон-ичак мўтадил ишлаши учун катта аҳамиятга эга бўлган, қобиғида дагал клетчатка тутувчи бугдойли ва перловка ёрмалари тавсия этилади. Бундан ташқари таркибида аминокислоталар билан бойитилган "Здоровье", "Пионерская", "Спортивная" жуда муҳим махсуллаштирилган ёрмалар фойдаланилади. Кунлик нормаси 45 г.

Таомларни тайёрлашда сарик ёғ, маккажўхори мойи, пахта ёғи, кунгабоқар ва зиғир ёғи ишлатиш мумкин. Сарик ёғнинг кунлик нормаси 25 г, ўсимлик мойи 9 г.

Мактабгача бўлган болаларни овқатланиши учун картошка (220 г), карам, шолғом, сабзи, помидор, бодринг, ловлаги (250 г) тавсия этилади. Ёзги-кузги мавсумда янги пишган бодринг, помидор, кади, қовун-тарвуз, анжир, нок ва бошқалар ўсмирлар овқатланиши хилма-хил бўлишини таъминлайди.

Мевалар витаминларга бой, уларда кўп миқдорда аскорбин кислотаси бор, айниқса қора смородина, облепиха, қулупнай, лимон, апельсин, нок, тут, олма, ўрик ва бошқа меваларда. Кунлик нормаси 150 г.

Ўсмирларга ўткир таомлар, дудланган махсулотлар, кофе, горчица, сирка қабул қилиш тавсия этилмайди, лекин пиёз ва саримсоқ пиёз фойдалидир.

Мактабгача ёшда бўлган болаларга кунлик овқатланиш ҳажми

	3-5 ёш	5-6 ёш
Нонушта	400 мл	450 мл

Тушлик	550 мл	600 мл
Ярим кунлик	350 мл	400 мл
Кечки	350 мл	450 мл.
Кунлик хажм	1700-1850мл	1900-2100 мл.

Овқатнинг ўзлаштирилиши унинг қабул қилингандан кейинги интервалининг сақланишига боғлиқ. Мактаб ёшидаги болаларда бу оралик 4 соатни ташкил қилади. Куннинг биринчи ярмида гўшт ва балиқ махсулотларини бериш керак.

Мактаб ёшидаги болаларнинг овқатланиши Мактаб ёши учга бўлинади:

1.Кичик 7-10 ёш 2.Урта 11-13
ёш 3.Катта 14-17 ёш

Болаларни оқсил, ёғ, углевод ва энергияга бўлган кунлик эҳтиёжи

	оқсил	Ёғ	углевод	ккал
6 ёш	68	68	272	8248
7-10 ёш	79	79	315	9630
1 М3 ёш	93	93	370	11304
14-17 ёш	100	100	400	12142

Мактаб ўқувчиларининг энергиялари асосий модда алмашинувига, ўсишига, ривожланишига ва турли хил фаолиятларига сарфланади.

Шу билан боғлиқ ҳолда оқсилга эҳтиёж фақат унинг миқдори билан эмас, унинг сифатига, яъни эссенциал аминокислоталарга бой ҳайвонот махсулотларига боғлиқ бўлади. Улар оқсилни кунлик эҳтиёжининг 60% ни ташкил қилиши керак.

Ўқувчи организми ярим туйинмаган ёғ кислоталарга эҳтиёжини ўсимликлар мойи қоплаши зарур, улар 15-20% ташкил қилиши лозим.

Углеводларга бўлган асосий талаб ўсимлик махсулотлари (картошка, нон, ёрмалар) билан қопланади.

Қанднинг қондаги миқдорини доимий сақлаш учун таомномада 20% гача енгил сўриладиган қанд махсулотлари бўлиши керак, булар сахароза, асал, мураббо ва кондитер махсулотларидир.

Витаминларга эҳтиёж болани ўсиши билан узлуксиз ошиб боради.

Минерал моддаларга эҳтиёж анча юқори чунки бу даврда бола тез усади ва скелети шаклланади.

Сут ва сут махсулотлари билан 80% кальцийга бўлган эҳтиёж қопланади. Мактаб ёшидаги болаларнинг натрий ва хлорга бўлган кунлик эҳтиёжи 8-10 г ни ташкил этади. Микроэлементларга кунлик эҳтиёж 1 кг тана массасига қуйидагича: мис-0,1 мг; кобальт-40 мкг; рух-0,4 мг; марганец-0,3-0,4 мг.

Сувга бўлган эҳтиёж боланинг ёшига ва ташқи муҳитга боғлиқ. Мактаб ёшидаги болалар учун 1 кг тана массасига 50 мл сув етарлидир. Иссиқ вақтда бу эҳтиёж ортади. Лекин кўп миқдорда сув истеъмол қилиш тавсия этилмайди, чунки бунда юрак-томир, буйракнинг зуриқишига ва кўп миқдорда сув организмдан чиқиб кетишига олиб келади.

